

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳуқуқида

Даврон ҲАЙДАРОВ

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ

ЎЗБЕК НУТҚ МАДАНИЯТИ РИВОЖИДА ТУТГАН ЎРНИ

ма в з у и да г и

магистрлик академик даражасини олиш учун ёзган

МАГИСТРЛИК

ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар:

**С. М. МЎМИНОВ,
филология фанлари доктори,
профессор.**

Фарғона – 2012

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
1 БОБ. НУТҚ МАДАНИЯТИГА ЭЪТИБОР, ЎРТА АСРЛАР НОТИҚЛИК САНЪАТИ ВА УНДА НАВОЙНИНГ ЎРНИ.....	9
1.1. Нутқ маданиятига эътибор, нотиқлик санъатининг ижтимоий аҳамияти.....	9
1.2. Қадимги Шарқ нотиқлик санъати.....	12
1.3. Шарқ нотиқлик санъатида Навойнинг ўрни.....	15
1.4. Халқ ривоятларида доно Навой тимсоли.....	20
Боб бўйича қисқа хулоса.....	24
11 БОБ. АДАБИЙ ТИЛ, УСЛУБШУНОСЛИК ВА НОТИҚЛИҚДА НАВОЙ САБОҚЛАРИ.....	25
2.1. Алишер Навой – ўзбек адабий тилини мумтозлик даражасига кўтарган буюк ижодкор.....	25
2.2. Навой – услубшунос.....	32
2.3. Навой сўз ҳақида.....	38
2.4. Навой рост ва ёлғон ҳақида.....	41
2.5. “Ҳикматлар”да сўз, тил ва нутқ одобига оид фикрларнинг ифодаланиши.....	43
Боб бўйича қисқа хулоса.....	61
Умумий хулоса.....	62
Фойдаланилган адабиётлар.....	65

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги мураккаб глобаллашув даврида маънавият соҳасида вужудга келаётган долзарб муаммолар, халқимиз маънавиятини асраш ва юксалтириш, айниқса, ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан сақлаш ва ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор талаб қилинмоқда. Чунки бугунги кунда дунёнинг айрим ҳудудларида мафкуравий ҳуружлар натижасида катта маънавий йўқотишлар юз бераётгани, миллатнинг асрий қадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқаётгани, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзи жиддий хавф остида қолаётганини кузатиш мумкин. Шунинг учун ҳам Республикамиз Президенти И.А.Каримов ўз асарларида маънавият, таълим-тарбия масалаларига қайта-қайта мурожаат қилмоқда: “Такрор айтишга тўғри келади- ота-оналар, устоз-мураббийлар бу масалада хушёрликни йўқотмаслигимиз, ёшлар тарбиясида асло бепарво бўлмаслигимиз зарур”¹.

Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон азалдан таълим ва тарбия марказларидан бири бўлганлиги учун ҳам бу заминдан дунёга машҳур алломалар: илм-фан соҳасида бўладими, адабиёт, маданият ва санъат соҳасида бўладими, ҳар соҳада мукамал шахслар етишиб чиққан. Мана шундай буюк аждодларимиздан бири, шубҳасиз, Низомиддин Мир Алишер Навоийдир. Шунинг учун ҳам бу буюк бобокалонимиз ҳақида сўз юритар экан, мухтарам юртбошимиз И. Каримов куйидаги фикрларни баён этган эдилар: “Ўзбек халқи маънавий дунёсининг шаклланишига ғоят кучли ва самарали таъсир кўрсатган улуғ зотлардан яна бири – бу Алишер Навоий бобомиздир. Биз унинг мўътабар номи, ижодий меросининг боқийлиги,

¹ Каримов И.А. Юксак маънавит – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 15.

бадий даҳоси замон ва макон чегараларини билмаслиги ҳақида доимо фахрланиб сўз юритамиз.

Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, баддий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир. Таъбир жоиз бўлса, оламда туркий ва форсий тилда сўзловчи бирон-бир инсон йўқки, у Навоийни билмаса, Навоийни севмаса, Навоийга садоқат ва эътиқод билан қарамаса.

Агар бу улуг зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир.

Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади. Она тилига муҳаббат, унинг беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга аввало Навоий асарлари билан кириб келади. Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз.^{”1}

Аввало тилшунослик, нутқ маданияти, қолаверса, турли фанлар туташ нуқтасида Навоийнинг нутқ маданиятимизга қўшган бебаҳо ҳиссаси хусусида фикр юритишга қаратилган ушбу тадқиқотимиз айнан шу жиҳатдан ҳам алоҳида долзарблик касб этади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Алишер Навоий асарларининг шуҳрати ва таъсир доираси буюк шоирнинг ҳаётлик чоғидаёқ ниҳоятда катта бўлган. Ўтган асрнинг йигирманчи-ўттизинчи йилларидан Навоий меросини ўрганишга бўлган иштиёқ ўзгача, замонавий тус ола бошлади, дейиш мумкин. 1941 йили Навоий таваллудининг 500 йиллигини ўтказишга бутун

¹ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. Б. 47-48.

собик Иттифоқ миқёсида жуда ката тайёргарлик кўрилганлигининг ўзиёк Навоийхонликка бўлган муносабат қай тарзда бўлганлигини кўрсатади. Кейинчалик ўзбек олимлари ичидан В. Абдуллаев, А. Ҳайитметов, И. Султон, А. Қаюмов, А. Иброҳимов, С. Ғаниева, А. Ҳожиаҳмедов, С.Эркинов, Ҳ. Жўраев каби таниқли навоийшунос олимлар етишиб чиқдилар. Ўзбек тилшунос олимлари томонидан ҳам Навоий меросини ўрганиш бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, Б. Бафоев, С. Иномхўжаев, Б. Ўринбоев, А. Солиев, С. Каримов, Н. Умарова қабилар Навоий асарлари тили, услубий хусусиятлари бўйича изланишлар олиб борганлар. Буларнинг ҳаммаси мавзумизнинг қанчалик ўрганилганлигини ва нақадар долзарб эканлигини кўрсатади.

Диссертациянинг мақсад ва вазифалари. Алишер Навоий бой адабий мероси, жумладан, нутқ маданияти ва нотиклик бобида қолдирган бетакрор, беқиёс меросини нутқ маданияти масалалари нуқтаи назаридан тадқиқ этиш ишнинг асосий мақсадини ташкил этади. Бу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этишга ҳаракат қилинди:

- қадимги Шарқ нотиклик санъати ва унда Навоийнинг ўрнини ўрганиш;
- халқ ривоятларида Навоийнинг донолиги, ҳозиржавоб, сўзамол ва зукколиги қай тарзда намоён бўлганлигини таҳлил этиш;
- ўзбек адабий тилини мумтозлик даражасига кўтаришда буюк бобокалонимиз ҳиссасини тадқиқ этиш;
- ўткир заковат эгасининг услубшунослигимизга қўшган ҳиссасини баҳоли қудрат ўрганиб чиқиш;
- Навоийнинг сўз ҳақидаги фикрларини лингвистик нуқтаи назардан тартиблаш ва муносабат билдириш;
- Навоийнинг рост ва ёлғон ҳақида билдирган фикрларини атрофлича ўрганиб чиқиш;
- Навоий ҳикматларида сўз, тил ва нутқ одоби бобида билдирилган фикрларни таҳлил этиш.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси:

- қадимги Шарқ нотиклик санъати ва унда Навоийнинг ўрни ўрганиб чиқилди;
- халқ ривоятларида Навоийнинг донолиги, ҳозиржавоб, сўзамол ва зукколиги қай тарзда намоён бўлганлигини таҳлил этилди;
- буюк адибнинг услубшунослигимизга, сўз қудрати ҳақидаги илмий фаразларга қўшган ҳиссаси ўрганиб чиқилди;
- Навоийнинг сўз ҳақидаги фикрларини лингвистик нуқтаи назардан тартибланди ва муносабат билдирилди;
- Навоийнинг рост ва ёлғон ҳақида билдирган фикрларини атрофлича ўрганиб чиқилди;
- Навоий ҳикматларида сўз, тил ва нутқ одоби бобида билдирилган фикрларни таҳлил этишга ҳаракат қилинди.

Мавзунинг назарий ва амалий аҳамияти. Мазкур магистрлик диссертациянинг назарий ва амалий аҳамияти шундаки, бу ишда ўзбек тилшунослигида Навоийнинг нутқ маданияти, нотикликка қўшган улкан ҳиссасини лингвистик, қолаверса, лингвопедагогик аспектда тадқиқ этишга ҳаракат қилинди. Бу изланиш ўзбек нутқ маданиятида Навоийнинг тутган ўрнини атрофлича ўрганиш учун замин яратади, деб умид қилиш мумкин.

Ўзбекистон аҳолиси ўз мустақил давлатини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаётган, юртимизнинг қатор хорижий давлатлар билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалари тобора фаоллашиб бораётган бугунги кунда буюк алломаларимизнинг битмас-туганмас меросини турли нуқтаи назардан ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Диссертация натижалари мана шу амалий эҳтиёжларни қондириш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Диссертация материалларидан нутқ маданияти, услубшунослик, услубият асослари фанларидан маърузалар ўқишда, махсус курс ва семинарларда, ижтимоий фанлар факультетлари талабаларига мўлжалланган дарслик ва конспектив курслар, шунингдек, турли соҳа мутахассислари учун

нутқ маданияти бўйича қўлланма, амалий тавсиялар яратишда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг тузилиши ва таркиби. Ушбу магистрлик диссертацияси кириш, икки асосий боб, умумий хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 67 саҳифани ташкил этади.

БИРИНЧИ БОБ

НУТҚ МАДАНИЯТИГА ЭЪТИБОР, ЎРТА АСРЛАР НОТИҚЛИК САНЪАТИ ВА УНДА НАВОИЙНИНГ ЎРНИ

1.1. Нутқ маданиятига эътибор, нотиқлик санъатининг ижтимоий аҳамияти

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, нутқ, нотиқлик санъати жамият тараққиётида турли даражада ва турлича йўллар билан ривожланиб келганлигига гувоҳ бўламиз. Қайси даврда ва жамиятнинг қайси бир босқичида бўлмасин у, аввало, ўша босқичнинг сиёсий-иқтисодий ва маънавий эҳтиёжи билан узвий боғлиқ равишда ривожланди. Шунинг учун ҳам бу санъатнинг траққиёти тархида юксак кўтарилиш асрлари ҳам, чуқур тушкунлик пайтлари ҳам бўлди.

Нутқ ва нутқ маданияти муаммолари билан илмий асосда жиддий шуғулланиш масаласи биринчи марта Прага лингвистик тўғараги вакиллари томонидан ўртага ташланди. Улар 1929 йилда Прагада бўлиб ўтган славистларнинг I съезди учун тайёрланган махсус тезислари ва кейинги асарларида бу масалага алоқида тўхталиб ўтганлар¹. Юксак тараққий этган Фарб мамлакатлари, жумладан, Америка, Англия, Япония, Германия ва бошқа қатор хорижий давлатларда тадқиқотчилар ҳозирги пайтда асосий эътиборларини худди шу масалага қаратмоқдалар. Бунга Мадэлин Беркли-Ален, Р. Брикман, Р. Кершнер, В. Биркенбил, Ч. Ликсон, Д. Карнеги, А.

¹Қаранг: Звегинцев В. А. История языкознания XIX - XX веков в очерках и извлечениях. Часть II.–Москва, 1965. – С. 127-128.

Пиз, Ф. Ницше, Л. Н. Гумилёв кабиларнинг ишларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Ғарб мамлакатларида нутқий мулоқот, унинг социолингвистик, психолингвистик ва прагматик жиҳатларини ўрганишга бағишланган кўплаб махсус журналлар чиқа бошлади.

Бу масалани тилшуносликнинг мустақил соҳаси сифатида ўрганишга рус тилшунослигида 20-,30- йилларда киришилди.

Москвада муаллифлар ҳамкорлигида 1977 йилда “Национально-культурная специфика речевого поведения”², сал кейинроқ “Национально-культурная специфика речевого общения народов СССР”³ каби монографияларнинг чоп этилганлиги, шунингдек, А. А. Леонтьев, Н. В. Уфимцева, Ю. А. Сорокин, Л. В. Шчерба, В. В. Виноградов, Ю. Д. Дешериев, Г. В. Колшанский, Г. А. Золотова, Е. С. Кубрякова, В. В. Веселитский, М. И. Чижевская, Б. Н. Головин, Г. Титц, Л. М. Рязанова, В. П. Трофименко ва бошқаларнинг бу муаммога оид қатор монографик тадқиқотлари юзага келганлиги нутқий фаолият муаммосининг тобора долзарб масалага айланиб бораётганлигидан далолат беради.

Туркологияда ҳам инсонларнинг ўзаро мулоқотга киришиш жараёни тилшуносларнинг диққатини анчадан бери ўзига жалб этиб келади. Жумладан, Ф. Ф. Султонов, Н. Джунусов, А. Б. Меджидова, Т. Айдаров, Т. Каракеева кабилар бу масала устида махсус изланишлар олиб борганлар.

Ўзбек тилшунослигида бу масала билан жиддий шуғулланиш мустақилликдан кейингина бошланди, дейиш мумкин. Ўзбек тилшунослари С. Иброҳимов, К. Назаров, О. Усмонов, Э.Бегматов ва бошқалар 1969 йили Тошкентда нутқимиз ривож масалалари мавзуида ўтказилган I Республика конференциясида қилган маърузаларида бу соҳада жиддий ишлар мавжуд эмаслигини таъкидлаган эдилар. Аммо “...Масаланинг бундай қўйилишидан ўзбек тилшунослигида нутқ маданияти муаммоси умуман ўртага қўйилмаган экан, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Нутқ одоби деб юритиб келинган қоидаларнинг ўзиёқ бу

масаланинг қадим тарихга эга эканлигини кўрсатади. Қолаверса, 20-30-йилларда тил қурилиши, тил сие сати деган номлар билан юритилган барча миллат ва халқ тиллари ривожига бевосита татбиқ этилган улкан тадбир ва чораларнинг ўша вақтда тил маданияти, эндиликда нутқ маданияти деб юритилаётган муаммога қанчалик алоқадорлигини белгилаш ғоят муқимдир”¹,– деб ёзади Э. Бегматов. Афсуски, ўзбек тили нутқ маданиятига оид ишларда уни назарий жиҳатдан ўрганишга жиддий эътибор берилган эмас. Ўзбек тилшуносларидан А. Ғуломов, Ш. Шоабдурахмонов, С. Иброҳимов, Э. Бегматов, Л. Хўжаева, Б. Ўринбоев, С. Иномхўжаев, Р. Қўнғуров, С. Каримов, И. Тошалиев, А. Рустамов, Х. Абдурахмонов, Н. Маҳмудов, А. Нурмонов, Т. Қудратов, Ё.Тожиев, Н. Ҳасанова, Қ. Тожиматов, О. Йўлдошева, Б. Х. Раҳматуллаева, С. Мўминов, Ш. Искандароваларнинг ишларида нутқ маданиятига, услубшуносликка оид изланишлар олиб борилган.

Номлари таъкидлаб ўтилган муаллифларнинг ишларидан маълум бўладиги, ўзбек тилшунослигида ҳам нутқ маданияти, услубшунослик ва унинг назарий масалалари бўйича анчагина тадқиқотлар ўтказилган. Бироқ бу изланишларнинг аксарияти нутқ маданиятининг айрим томонларини услубий ёки педагогик мақсадда ёритиб беришга қаратилган бўлиб, масалага ижтимоий-лисоний аспектда жиддий ёндашилмаган.

Хуллас, бугунги кунда нутқ маданияти соҳаси илмий муаммо сифатида тан олинди ва уни чуқур тадқиқ қилиш лозимлиги қатор олимлар томонидан маъқулланди. Шу сабабли В. В. Веселитский 60- йилларнинг бошларидаёқ: “Ҳозирда нутқ маданияти бўйича тадқиқот олиб боришнинг зарурлигини исботлаб ўтириш ортиқчадир”, – деб ёзган эди.

¹ Бегматов Э. Нутқ маданияти проблемасининг пайдо бўлиши ва асосланиши // Нутқ маданиятига оид масалалар. - Тошкент: Фан, 1973. – Б.166-167.

Кишилик жамиятининг бирон бир жабҳаси йўқки, унда нотиклик санъати ёки унинг элементлари катнашмаган бўлсин. Тўғрироғи, кишлок фуқаролар йиғини раисининг ўз фуқроларига қарата сўзлаган нутқида ҳам, ўқитувчиларнинг ўқувчиларига берадиган сабоғида ҳам, ҳарбий командирнинг ўз аскарларига қарата берган буйруғида ҳам, хуллас, ҳамма-ҳамма ерда нутқ, нотиклик ўз мавқеига эга.

Хуллас, нотиклик санъати асрлар оша катта ижтимоий мавқега эга бўлиб, ўзининг муҳим ахлоқий-эстетик, тарбиявий ролини ўйнаб келди ва келмоқда. Шубҳа йўқки, бу санъатнинг мавқеи ва аҳамияти тобора ошиб бораверади.

1.2. Қадимги Шарқ нотиклик санъати

Шарқ, Ўрта Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқи ҳам қадимдан сўзга чечан, бадий дидли кишиларни кадрлаб келганлар. Ўша даврда нотиклик санъати воизлик, нотик – воиз, нутқ эса ваъз деб аталган.

Ўрта Осиё халқлари, хусусан, IX-XV асрда дунё маданияти тараққиётининг энг олдинги, етакчи сафларида туриш даражасига кўтарилган олди. Ўрта аср фани, маданияти ҳақида сўз кетганда Хоразмий, Фарғоний, Форобий, ибн Сино, Беруний, Кошғарий, Жомий, Навоий, Бобур каби улуг сиймоларнинг номлари алоҳида эътироф билан тилга олинади.

Бу мутафаккир, шоир, санъаткорлар яшаган давр Шарқ тарихида у й - ф о н и ш д а в р и деб аталди. Бу даврда маданият, санъат, илм-фан раванк топди. Фан ва маданият тарғиботчилари – воизлар етишиб чиқди. Воизликни кадрловчи фикрлар вужудга келди.

Ўрта аср Шарқининг машхур ва буюк мутафаккири, табобат илмининг асосчиларидан бири Ар Розийнинг (IX асрнинг охири ва X асрнинг бошларида яшаб ўтган) шоирларнинг шеърлари, ваъзхонларнинг ваъзи берган юксак баҳосидан ўша даврда ваъзхонликка қанчалар катта эътибор қаратилганлигини билиб оламиз.

Ўрта Осиёдагина эмас, балки Яқин ва Ўрта Шарқнинг машхур мутафаккири Абу Наср Форобий ҳам 1X-X асрларда – иқтисодий ва сиёсий зиддиятлар кучайган бир даврда яшаб ижод этди. У илмнинг турли соҳаларини мукаммал билган ва улар ҳақида мустақил фикрлар баён қилган буюк инсондир. Нутқ ва ақл тарбиясига оид илмлар тўғрисида Форобий шундай ёзади: “Қандай қилиб таълим бериш ва таълим олиш, фикрни қандай ифодалаш, баён этиш, қандай сўраш ва қандай жавоб бериш (масаласи)га келганимизда, бу ҳақда билимларнинг энг биринчиси, жисмларга, яъни субстанция ва акциденцияларга исм берувчи тил ҳақидаги илмлар деб тасдиқлайман.”

Иккинчи илм грамматикадир: у жисмларга берилган исм (ном)ларни қандай тартибга солиш ҳамда субстанция ва акциденциянинг жойлашишини ва бундан чиқадиган натижаларни ифодаловчи ҳикматли сўзларни ва нутқни қандай тузишни ўргатади.

Учинчи илм мантиқ (логика)дир: маълум хулосалар келтириб чиқариш учун логик фигураларга биноан қандай қилиб дарак гапларни жойлаштиришгнни ўргатади, бу хулосалар ёрдамида биз билмаган нарсаларимизни билиб оламиз ҳамда нима тўғри ва нима ёлғон эканлиги ҳақида ҳукм чиқарамиз”¹.

Форобийнинг фикрича, мантиқ шундай бир санъатки, киши нотикликдан адашиб қоладиган бўлса, тўғри фикрлашаг олиб келувчи ва ақл ёрдамида бирор хулоса чиқариладиган бўлса, хатоларнинг олдини олувчи нарсаларни ўз ичига олади. Унинг ақлга муносабати грамматика санъатининг тилга муносабати кабидир.

Нутқ ва нотиклик санъатида логика ва грамматиканинг ролига берилган бундай баҳо назарий жиҳатдан катта қимматга эга бўлиб, нотиклик санъати тараққиётида муҳим роль ўйнайди.

Форобий ахлоқли кишиларнинг муҳим ўн икки сифатини кўрсатади ва шундан биринчиси сифатида тилга олинган нотиклик ҳақида гапириб:

¹ Абу Наср Форобий. Рисолалар. – Т.: Фан, 1975, 51-б.

“сўзлари аниқ бўлсин, фикрини ва айтмоқчи бўлган мулоҳазаларини раво ва равшан баён эта олсин”¹ – дейди.

Форобийнинг чиройли, тартибли, таъсирчан қилиб сўзлаш масалалари ҳақидаги баъзи мулоҳазалари риторика, поэтикага оид асарларида учрайди. Форобийнинг ўзи эса, манбаларда зикр этилишича, ширин сўз, ҳозиржавоб, ҳар қандай қийин масалаларни ҳам бир зумда ҳал этиб берувчи файласуф-нотик бўлган. Профессор М. Ҳайруллаевнинг таъкидлашича, Форобий қадимги грек фалсафаси ва илми билан жуда кўп шуғулланган ва грек олимларининг, хусусан, аристотелнинг асарларига мукамал шарҳлар ёзган. Қадимги Грецияда бошқа фанлар билан бирга риторика – нотиклик санъати ҳақидаги фан ҳам юксак тараққий этган эди. Ўз-ўзидан маълум бўладики, Форобийнинг бу соҳага қарашли фикрлари, шарҳлари мавжуд бўлиб, уни ўрганиб чиқиш тилшунослигимиз олдидаги муҳим масалалардан биридир.

Ўрта асар Шарқининг буюк алломаларидан бири Абу Али Ибн Сино (980-1037) алоҳида ўрин тутди. Унинг турли соҳалар билан бирга таълим-тарбия, ахлоқ ва нутқ ҳақида ҳам фикрлари мавжудки, уларни ўрганиб чиқиш нотиклик санъати тарихи саҳифаларини яна ҳам бойитган бўлар эди.

Ибн Сино суҳбат ўтказишдан илгари, суҳбат ўтказувчи кишининг ўз суҳбати қаратилган шахс фаолиятини чуқур, ҳар томонлама ўрганиши, бирор камчиликни ҳам четлаб ўтмаслиги лозимлигини, шундагина ўтказиладиган суҳбатнинг тарбиявий аҳамияти катта бўлишини айтади.

Ибн Синонинг фикрича, ҳукмдорлар ана шундай суҳбатларга тортилиши лозим. Одамлар ҳукмдорлардан кўрқиши туфайли, – дейди ибн Сино, – уларнинг камчилиги кўрсатилмайди. Бунинг натижасида улар ўз қилмишларини идеал деб ҳисоблайди ва хулқлари бузила бошлайди. Бу ҳол давлат ишларига ёмон таъсир қилади.

XI аср Шарқ педагогикаси тарихида Кайковуснинг “Қобуснома” асари алоҳида аҳамиятга эга. “Қобуснома”да нотиклик шарҳлари учун

¹ Абу Наср Форобий. Кўрсатилган асар, 136- б.

алоҳида боб ажратилганлиги бу санъатга бўлган, унинг санъаткорига бўлган қизиқишнинг орта борганлигини кўрсатади.

“Қобуснома”нинг “Сухандонлик билан баланд мартабага эга бўлиш ҳақида” деб номланган еттинчи бобида ва хунар эгаллашга бағишланган олтинчи бобида нотиклик сирларига доир айрим тўғри мулоҳазалар билдириладики, бу ўша даврда катта аҳамиятга эга бўлган ва ҳозир ҳам унинг аҳамияти камайган эмас.

“Қобуснома” муаллифи ҳамма хунарлар ичида сўз хунари – нотиклик баланд туришлигини таъкидлайди: “Барча хунардин сўз хунари яхшироқдур, недунким, ...ҳамма маҳлуқотдин одам яхшироқ яралди...”¹.

Умуман, “Қобуснома”да нотик бўлиш фазилатлари ва йўллари ҳақида кўплаб маълумотлар келтирилган ва улар бугунги кунда ҳам кишиларга катта сабоқ бериб келмоқда.

1.3. Шарқ нотиклик санъатида Навоийнинг ўрни

Шарқ нотиклиги катта меросга эга бўлса-да, улардан ҳеч бири Алишер Навоий қолдирган мерос каби қимматли ва бой эмас.

Алишер Навоий ўз даврининг буюк мутафаккири, сўз устаси бўлиш билан бирга, кишиларга яхши сўз билан таъсир эта билиш санъатини жуда ҳам қадрловчи, улуғловчи, бундай санъат эгаларига эътибор қилиб, эҳтиром кўрсатувчи бир шахс эди:

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,

Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила², –

деб ҳар бир киши ўзининг билимли бўлиб етишишига сабабчи бўлган устозини эъзозлашга даъват этади. Алишер Навоий омма ўртасида яхши нутқнинг таъсири ва тарбиясини ҳам чуқур ҳис этади. Навоий нотикликдаги яхши ва ёмон томонларни кўра билиш ва фарқлай олишга чақиради:

¹ Кайковус. Қобуснома. – Т.: Ўқитувчи, 1986, 32- б.

² Алишер Навоий. Асарлар, 13- том. – Т.: Фафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1966, 23- б. (Қолган мисоллар ҳам шу китобдан олинди).

Тўтию шорик агар нотикдурур,

Ҳар бирига ўзга бир мантиқдурур (222- б.).

Алишер Навоий нотиклик санъатининг буюк қудратига алоҳида эътибор беради. “Маҳбубул-қулуб” номли фалсафий асарининг 24- фаслини “Насиҳат аҳли ва воизлар зикрида” деб атайти ва бунда воизлик санъатига, ваъзга, воизга ўз муносабатини билдиради. Буюк шоирнинг воизлик ҳақидаги фикрлари бугунгик унда ҳам ўзининг тарбиявий аҳамиятини йўқотган эмас.

Мутафаккирнинг фикрича, воиз қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши лозим:

1. Воизнинг сўзлари таъсирчан ва фойдали бўлмоғи лозим. *Воиз керакки, “қолаллоҳ” сўз айтса.*

2. Нутқ тингловчи учун янги билимлар ва ўзгаришлар хабарчиси бўлмоғи лозим: *“Ваъз бир муриид ва огоҳ ишидур ва анинг насихати қабул этган мақбул кишидир (25- б.)”*

3. Нотикнинг ўзи бирор соҳани эгаллаган бўлиши ва ундан сўнг ваъз орқали кишиларга таъсир этиши лозим:

Авал бир йўлни бормоқ керак,

Андин сўнг элни бошқармоқ керак. (25- б.)

4. Нотик олим ва билимдон, ҳар нарсадан хабардор кишидир: *“Воизким, бўлғай олим ва мутаққий – анинг насихатидин чиққай шақий (маъно)”. (25- б.)*

5. Нотикнинг сўзи билан иши бир бўлмоғи лозим. Акс ҳолда нутқнинг таъсири бўлмайди:

“Улки буюриб ўзи қилмағай, ҳеч кимга фойда ва асар анинг сўзи қилмағай” (25- б.).

Алишер Навоий нотикликда **қисқалик ва равшанликни** ёқтиради. Бу жиҳатдан унинг “Маҳбубул-қулуб”идаги 60- танбеҳ ўринлидир: *“Чин сўз мўтабар, яхши сўз мухтасар. Кўп дегувчи мумил, муқаррар дегувчи лояъқил”* (яъни: Чин сўз эътиборли, яхши сўз қисқа бўлади. Кўп сўзловчи зериктирувчи, қайта гапирадиган – ақлдан озган) , – дейди. У тутуруқсиз гап

билан кишиларнинг ғашига тегувчини ақли паст, носоғлом кишилардир, – деб баҳолайди: “Улким, димоғида ҳабт – сўзида йўқ рабт (Кимнинг димоғида иллат бўлса, сўзида боғланиш йўқ. Димоғи саҳиҳ – гуфтори фасиҳ (Мия соғлом бўлса, гап-сўз ҳам ёқимли ва хатосиз бўлур). Сўзи ҳисобсиз – ўзи ихтисобсиз (бошвоқсиз). Сўзида паришонлик, ўзида пушаймонлик (63- б.).”

Навоий сўзнинг ҳашамдорлигидан кўра, ҳаққонийлигини улуғлайди. Фикринг халқ учун фойдали ва тушунарли бўлсин десанг, содда тилда гапир, дейди: “Сўзки фасоҳат зеваридин музайян эмасдир, анга чинлик зевари басдур. Ёлгончи ҳар неча сўзида фасиҳроқ, сўзи қабихроқ. Чин сўз нечаким бетакаллуф, қойилғи иборат соддалигидин йўқ таассуф” (178- б.).

Навоий яхши сўзли, эл учун фойдали нотикларга ён босади.

Алишер Навоий ўша вақтда воизлик санъатида ном қозонган **Хожа Муайяд Меҳнагий, Мавлоно Риёзий, Мавлоно Хусайн Воиз Кошифий, Мавлоно Муин Воизлар** ҳақида ўзининг “Мажолисун нафоис” номли тазкирасида фикр билдирган.

Алишер Навоий қадрлаган воизлардан бири – **Хожа Муайян Меҳнагий** машҳургина эмас, балки нотик донишманд, юксак билим эгаси ҳам бўлган. Мавжуд билимларни ўрганиб қолмасдан, уларни такомиллаштирган, тўлдирган. У мазорда шайхлик қилса-да, ўзини халққа жуда яқин тутган ва билимини уларга беришга интиланган. Унинг “*ваъз мажлиси бағоят гарм ва паршўй воқеъ бўлур эрди...*” (42-б.)

Ўша даврнинг машҳур нотикларидан бири **Мавлоно Риёзий**нинг нотиклик фаолиятида нутқни ҳаракат – паралингвистик воситалар ёрдамида бериш усули устун бўлган. У ўз нутқини актёрлар каби ижро этган. Навоийнинг ёзишича, “*Ваъз айтиб, минбарда ўз ашъорин ўқур, йиглаб вазди ҳол қилур...*” (101- б.)

Кўринадики, Риёзий нутқ сўзлаганда, унинг таъсирчанлигини таъминлашда, ижрочиликни биринчи ўринга қўяди. Керак бўлганда, ўз нутқини кишилар қалбига яқин олиб, улар билан бирдамликни, қайғусига,

изтиробига шерикликни билдириш мақсадида йиғлашгача бориб етадики, бу нутқ ижрочилигидаги улкан қобилиятга далолат беради.

Улуғ мутафаккир томонидан хурмат ва эҳтиром билан тилга олинган нотиклардан яна бири **Хусайн Воиз Кошифий**дир. Хусайн Воиз Кошифий воиз сифатида ўша даврда энг машҳур кишилардан бўлиши билан бирга, ўз даврининг забардаст олими, астраноми, шоири ҳам эди. Эрон олими Саид Нафисий Кошифийнинг қирқта асари борлигини айтади.

Хусайн Воиз нутқларининг таъсирчанлиги, жозибаторлиги ҳақида эслаб, унинг ўғли Фаҳриддин Али Сафий “Латойфут тавойиб” номли асарида шундай воқеани келтиради:

“Кунларнинг бирида аҳли мажлисга Мавлоно Сайид Фиёсиддин деган машҳур сўз устаси анча кечикиб келган. Шу мажлисда Абдурахмон Жомий ҳам бор экан. Сайид Фиёсиддин кириб келиши билан Жомий ундан сўрабди:

– *Нечук кечикдингиз, Мавлоно Фиёсиддин?*

– *Мени маъзур тутинг, устод, – дебди Фиёсиддин, – келаётган эдим, масжиди жомеъда Хусайн Воиз нутқ сўзлаётган экан, шунга маҳлиё бўлиб қолибман...”¹*

Кўринадики, **Хусайн Воиз Кошифий**нинг нутқлари ўзининг жозибаторлиги билан ҳар қандай кишини жалб қила олган. Айтишларича, унинг бундай сўз санъатидаги маҳоратини **Алишер Навоий билан бирга Султон Хусайн Бойқаро ҳам юксак баҳолаган ва улар ўз асарларини аҳоли ўртасида расмий ижро этиш лозим бўлган пайтларда бу ишга Хусайн Воиз Кошифийни муносиб кўрганлар. 1492 йил 8 ноябрь куни буюк шоир, Навоийнинг устози Абдурахмон Жомийнинг дафн маросимида Алишер Навоий ўзининг марсиясини ўқиб эшиттиришини, шу маросимда ваъз айтган Хусайн Воизга топширганлиги бунинг далилидир.**

Маълум бўлишича, Хусайн Воиз ўзига шогирдлар ҳам тайёрлаган. Булардан бири унинг ўз ўғли Фаҳриддин Али ҳам отаси каби ўткир, жўшқин

¹ Қаранг: Иномхўжаев С. Алишер Навоий нотиклик санъати ҳақида. – Т.: Билим, 1968, 13- б.

нотик бўлиб этишиш билан бирга, турли билимларни эгаллаган билимдон, шоир ҳам бўлган.

Хусайн Воиз Кошифий нотик сифатида шундай эътиборли бўлганки, Хондамирнинг ёзишича, у аниқ жадвал билан ишлашга мажбур бўлган.

Хусайн Воиз Кошифий нутқлари мазмундорлиги, таъсирчанлиги, ўзига жалб этиш қувватини мужассам этганлиги унинг техникасини ўрганиш ҳозирги давр нотиклиги учун ҳам характерлидир.

Алишер Навоий давридаги машҳур нотиклардан бири **Мавлоно Муин Воиз**дир. У ҳақда Навоий: *“Ҳоло ўзи даги азим воиздурур ва муридлари кўп”*, – деб ёзади. Кўринадики, Муин Воиз нотикқина бўлиб қолмай, ўзининг нотиклик мактабига, шогирдларига ҳам эга бўлган. Унинг нутқ, ижрочилик маҳоратини таҳлил этиб, А. Навоий: *“Минбар устида девонавор илк ташламоғи ва тахтани тепмағи кўндур ва ўзини “Муни девона” била таъбир қилур ва кўп баланд ва паст сўзлар айтур. Чун жунунга муътариф, ҳар нав сўз айтса мазурдур...”* (127- б.) – деб ёзади.

Бундан англашиладики, **Муин Воиз** нутқининг ижрочилик томонига алоҳида эътибор қилган ва бутун хатти-ҳаракатларини, мимикасини ишга сола билганки, гарчи у ўзини “Муни девона” деб эълон қилган бўлса-да, унинг “девона сифат” гаплари халқ дилига яқин бўлганлигидан йиғинларга манзур бўлган.

У ҳар қандай **мансабдан воизликни аъло билган** ва ўз акаси Мавлоно Низомиддин унга Ҳирот шаҳри қозилигини икки марта тавсия этса-да, уни рад этган. Шу туфайли унинг акаси: *“Муино мо қобилияти бисъёр дошт, ин зинапояи чўбин ўро зоеъ сохта”* (Муинимизнинг қобилияти кўп эди, уни бу ёғоч зинапоя (минбар) ишдан чиқарди) , деганлигини Навоий қайд этади.

Алишер Навоий яшаб, ижод этган даврда, ундан илгарироқ ҳам нотиклик юксак даражада кадрланган бўлса-да, ўша давр нотикларининг нутқ матнларидан намуналар бизгача етиб келган эмас.

Воизлик санъати кейинчалик ҳам анъанавий суратда тараққий этиб, ривожланиб борди. Масалан, Муқимий ўзининг “Саёҳатнома” асарида:

*Бир маърака кўрдим бутун,
Жамъи ёпинган бошга тўн.
Боқсамки, беш юзта хотун,
Воиз сўзин тинглар экан, –*

деб ўзганлиги бунинг яққол далилидир.

Ўзбек халқи ўзининг бошқа юксак маданий мерослари катори, нотиклик санъати анъаналарига ҳам эгаки, уни чуқур текшириш ушбу соҳа тадқиқотчилари ва мухлисларининг навбатдаги вазифаси бўлмоғи лозим.

1. 4. Халқ ривоятларида доно Навоий тимсоли

Тарихдан маълумки, буюк шахслар, улуғ алломалар ҳақида улар тириклик пайтида ҳам, оламдан ўтганларидан кейин ҳам турли ривоят ва афсоналар тўқилган. Хусусан, жаҳон шеърятининг султони Мир Алишер Навоий ҳақида ҳам халқ оғзаки ижодида жуда кўплаб ривоятлар мавжуд. Уларда Алишер Навоийни болалик пайтларида эркалатиб Мирали, Мир Алишер деб атаганликлари, болалик ва ўсмирлик пайтларидаёқ доно, ҳозиржавоб ва зукко бўлганлиги айтилади. Оғиздан-оғизга ўтиб келаётган бу каби ривоятлар ноширларимиз томонидан бир неча маротаба китоб ҳолида турли номлар билан нашр ҳам этилган. Жумладан, 1991 йили таниқли фольклоршунос ва Навоийшунос олим Маматқул Жўраев жонкуярлиги асосида Чўлпон нашриёти томонидан “Эл деса Навоийни” номи билан 50000 нусхада чоп этилган. Мавзумиз талабидан келиб чиққан ҳолда, шу китобдан ўрин олган айрим ривоятларни келтирамиз.

БОШ ВА ТИЛ

Кунлардан бир кун Султон Хусайннинг саройида катта ўтириш бўлибди. Гапдан гап чиқиб, подшоҳ “от оёғи билан сув ичсин!” деган сўзи учун Мир Алишерга икки минг танга инъом этганини айтиб берган экан, буни эшитган бошқа вазирлар жанжал кўзғабдилар. Улар подшога арз қилиб:

– Тақсир, ҳар сафар Мир Алишерга бир оғиз доно сўзи учун минг танга берилар эди, энди эса икки минг танга берибсиз! Нима учун бизларга ҳам икки минг танга берилмайди? Ё, бу илтифотга лойиқ эмасмизми? – дейишибди. Подшо уларга қараб:

– Агар менинг саволларимга яхши жавоб топсаларинг, ўша икки минг танга сиздан айлансин. Олсаларинг олаверинглар, менинг сираям қарши лигим йўқ, – дебди.

– Майли, бизлар ҳам топамиз! Қанча савол бўлса бераверинг, олампаноҳ.

Султон Хусайн вазирларига қараб туриб, кўрсаткич бармоғи билан бошини кўрсатибди. Ҳеч нарсага тушунмаган вазирлар бир-бирларига қарашиб, анграйиб тураверибдилар. Шу пайт Мир Алишер ҳам бармоғи билан тилини кўрсатибди.

Султон Хусайн ҳамон безрайиб турган вазирларга қараб:

– Мен бошимни кўрсатдим, Мир Алишер эса бармоғи билан тилини кўрсатди. Сизлар шунинг маъносини топиб келинглар, – деб буюрибди.

Вазирлар уч кун муҳлат сўраб олибдилар. Уч кун ўйлаб-ўйлаб, барибир натижа чиқаролмай, ахири Мир Алишернинг ёнига бориб, бояги имо-ишоранинг маъносини сўрабдилар.

– Агар ҳар қайсингиз минг тангадан берсангиз, майли, айтиб бера қолай, – дебди Мир Алишер.

Қирқ вазир қирқ минг тангани қуртдек санаб бергач, у имо-ишораларнинг маъносини сўзлаб берибди:

– Султон бошга бало нимадан келади, деб сўрадилар. Мен ҳар кишининг бошига бало келса, ўзининг тилидан келади, деб жавоб бердим.

Буни эшитган вазирлар саройга қараб югурибдилар. Подшонинг олдига бориб, бири-бирига гал бермай, “Мен топдим, мен топдим!” – деб гап талашиб қолибдилар. Султон Ҳусайн уларни тинчлантириб, гап сўраса, улар боягина Мир Алишердан эшитган гапларини оқизмай-томизмай айтиб беришибди. Пошо уларнинг сўзларига ишонмай:

– Тўғриси айтинглар, бу сўзларни ким ўргатди сизларга? – деб сўрабди.

– Ўзимиз топдик, тақсир! – дейишибди вазирлар.

Подшо вазирларнинг ёлғон гапларидан аччиқланиб, ҳаммасини ўлимга буюрибди. Шунда кўрқиб кетган вазирлар қалт-қалт титраб, бу гапларни Мир Алишер ўргатганлигини айтиб беришибди.

Султон Ҳусайн вазирларга қараб кулиб дебди:

– Мен Мир Алишерга икки минг танга берсам, сизлар унинг бир оғиз сўзига қирқ минг танга берибсизлар-да! – дебди.¹

ҚАЕРДА ЧИВИН ЙЎҚ?

Бурунги замонда Ҳусайн Бойқаро деган подшо яшаган экан. У вазири Алишерга:

– Қаерда чивин бўлмайдими? – деб савол берибди. Вазири ўйламасдан:

– Одам йўқ ерда чивин ҳам бўлмайдими, – деб жавоб берибди.

Шундай қилиб, улар икки отга миниб, одам йўқ ерларни қидириб кетишибди. Йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб бир сахрога чиқишибди. Шу ерда бир оз дам олмоқ учун отдан тушибдилар.

Алишер чой қайнатибди. Иккиси чой ичиб ўтирган пайтда бир чивин “виз” этиб, Ҳусайн Бойқаронинг пиёласи ёнидан ўтиб, этагига қўнибди. Шунда у:

– Алишер, одам йўқ ерда чивин бўлмайдими деган эдинг, мана бу ерда чивин учиб юрибди-ку! – дебди.

¹ Эл деса Навойни. – Т.: Чўлпон, 1991. 31-б. Кейинги ривоятлар ҳам шу китобдан олинди.

- Ҳа, сиз билан биз одам эмасми? – деб жавоб берибди Алишер.
- Ҳусайн Бойқаро ҳаменидан минг тилла чиқариб бериб:
- Баркалла, энгдинг мени, – дебди. (21-б.)

АЛИШЕР НАВОИЙ КИМНИ ЁМОН КЎРГАН?

Кунлардан бир куни Сул тон Ҳусайн вазирларининг ёлфон сўзларига ишониб, Алишер Навоийни зиндонга буюрибди. Кўп вақт ўтмай унинг гуноҳсизлиги маълум бўлибди. Подшо уни зиндондан чиқаришларини буюрибди. Алишер Навоий эса чиқишга унамабди. Подшонинг қамаш ва чиқариш ҳақида берган фармонига ажабланганини билдирибди.

Шоирни зиндондан чиқариш учун кўп уринибдилар-у, фойдаси бўлмабди. Энг кейин унга яқин кишилардан бирининг маслаҳати билан Алишер Навоийнинг ёнига бир аҳмоқни қамаб қўйибдилар. Шоир ана шундан сўнггина зиндондан чиқишга розилик берибди. (21-б.)

НАВОИЙ БИЛАН БИНОИЙ

Ҳиротда Алишер Навоий билан бирга мавлоно Биноий деган шоир ҳам яшарди. Кунлардан бир куни Биноий Алишер Навоийнинг боғига келибди. Қараса, у бир қанча шоирлару машшоқлар, созандалару хонандалар билан ширин суҳбатлар куриб ўлтирган экан. Биноийнинг ғайрилиги тутибди. Шу пайт олдига вовуллаганича келган итга қараб овозининг борича:

- Ҳо, жанобларининг итлари ҳам нав (оҳанг қилади, демокчи) қиладилар-ку, биз бундан беҳабар қолибмиз-да, – дебди. Шу билан Алишер Навоийни бошлаб “чақиб” олмоқчи экан-да. Биноийнинг ниятини дарров англаган Алишер Навоий унга шундай жавоб қилибди:

- Ҳа, энди анча-мунча боқиб парвариш қилган эдик, мавлононинг ўзлари кўриб турганларидек бинойидек бўлди-қолди.

Шоирнинг суҳбатдошлари маза қилиб кулишибди. (62-б.)

Боб бўйича қисқа хулоса

1. Кишилиқ жамиятининг бирон бир жабҳаси йўқки, унда нотиклик санъати ёки унинг элементлари қатнашмаган бўлсин. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, оддий хонадон бекасида тортиб, қишлоқ фуқаролар йиғини раисининг ўз фуқроларига қарата сўзлаган нутқида ҳам, ўқитувчиларнинг ўқувчиларига берадиган сабоғида ҳам, ҳарбий командирнинг ўз аскарларига қарата берган буйруғида ҳам, хуллас, ҳамма-ҳамма ерда нутқ, нутқ маданияти, нотиклик ўз мавқеига эга.

2. Шарқ, Ўрта Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқи ҳам қадимдан сўзга чечан, бадиий дидли кишиларни қадрлаб келганлар. Ўрта асрларда нотиклик санъати воизлик, нотик – воиз, нутқ эса ваъз деб аталган. Шу боисдан ҳам бўлса керак, Ўрта Осиё халқлари IX-XV асрда дунё маданияти тараққиётининг энг олдинги, етакчи сафларида туриш даражасига кўтарилган олди.

3. Шарқ нотиклиги катта меросга эга бўлса-да, улардан ҳеч бири Алишер Навоий қолдирган мерос каби қимматли ва бой эмас. Алишер Навоий ўша вақтда воизлик санъатида ном қозонган Хожа Муайяд Меҳнагий, Мавлоно Риёзий, Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифий, Мавлоно Муин Воизлар ҳақида ўзининг “Мажолисун нафоис” номли тазкирасида қимматли фикрларни билдирган.

4. Жаҳон шеърятининг султони Мир Алишер Навоий ҳақида халқ оғзаки ижодида жуда кўплаб ривоятлар мавжуд. Уларда Алишер Навоийни болалиқ пайтларида эркалатиб Мирали, Мир Алишер деб атаганликлари, болалиқ ва ўсмирлик пайтларидаёқ доно, ҳозиржавоб ва зукко бўлганлиги айтилади.

Буларнинг ҳаммаси биз билган ва билмаган Навоий ҳақидаги билимларимизни бойитишда, тасаввурларимизни кенгайтиришда катта ёрдам беради.

И К К И Н Ч И Б О Б

АДАБИЙ ТИЛ, УСЛУБШУНЛОСЛИК ВА НОТИҚЛИКДА НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

2.1. Алишер Навоий – ўзбек адабий тилини мумтозлик даражасига кўтарган буюк ижодкор

Алишер Навоий асарларини суюкли ва умрбоқий қилган фазилатлар, аввало, унинг сўз санъатида, бадиий тилида акс этади. Яъники тил мазмунга нисбатан шаклдир ва гўё мазмунга кийдирилган “либос”дир. Шунинг чун бизнинг нигоҳимиз энг аввало шу “либос” – сўзга тушади.

Лекин оддий либосдан фарқли ўлароқ, бадиий тилни мазмундан ажратиб “ечиб” олиш мумкин эмас. Шунинг учун биз “либос” сўзини кўштирноқ ичига олдик. Асарнинг шакли мазмуни билан бир бутун ҳолда тирик вужуд каби яшайди. Масалан, атиргулнинг шакли ва ранги унинг илдизидан озикланиб, барги ва бутуқлари билан бирга ўсиб етилади. Адабий асарнинг тили ҳам муаллифнинг дилидаги ҳис-туйғулар, фикрлар ва образларни ифодалаш учун шу ҳис-туйғулар ва образлар учқунидан олов олиб, “птшиб” етилади. Бу ҳодисани Алишер Навоий гўзал шеърий сатрларда шундай ифодалаган:

Агарчи йўқдурур дурлуқ тароши,

Эрур тош бўлса ҳам чақмоқ тоши.

Нечаким ўтлуқ ўлса лаъл пора,

Қачон бул тошдек бергай шарора.

Навоийшунос олим А. Ҳайитметов “Фарҳод ва Ширин” достонининг тили ва услубига бағишланган мақоласида ушбу тўрт сатрни шундай таҳлил қилиб беради:

“Навоий ёзган дostonнинг услуби чакмоқтошдек ўт чиқариб, учкунлар сачратиб турадиган, ҳам иссиқ берадиган, ҳам ёритадиган бўлиши керак. Унингча, салафлари услубида ҳам нурлилик, оловга ўхшашлик бор. Лекин бу лаълдан чиқиб турадиган нурга ўхшайди, бу нурда куйдириш, ёндириш қуввати йўқ”.

Алишер Навоий бу оддий чакмоқтошни қимматбаҳо лаълга қиёслаш орқали асар мазмунидан (яъни, чакмоқтош бағридан) чиқиб келадиган ҳақиқий олов лаълнинг совуқ ташқи ялтироқлиғидан кўра афзал эканини кўрсатади.

Навоийнинг бутун ижоди мана шу тамойилга, яъни мазмун ичидан чиқиб келадиган бадий олов билан инсонлар қалбига нур сочиш ва ҳарорат бериш тамойилига асослангандир. Биз буни унинг шеърлятида ҳам, “Хамса” дostonларида ҳам, “Насойим ул-муҳаббат”, “Мантиқ ут-тайр”, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”, “Вақфия” каби асарларида ҳам кўриб ўтдик.

Бадий тил муаммолари муайян асарларга назарий нуқтаи назардан ёндашувни талаб қилади. Шунинг учун биз асарларнинг яратилиш храналогиясига ёки жанрларига қараб ажратиб таҳлил қилишдан кўра, уларнинг ҳаммасига хос бўлган умумий тамойилларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўлидан боришни афзал кўрдик.

Алишер Навоий бутун ижоди давомида улуғ бир мақсад – туркий тилни жаҳоннинг энг мукамал ва мумтоз тиллари даражасига етказишга интилади. “Мезон ул-авзон”, “Муншаот”, “Маҳбуб ул-қулуб” асарлари ҳам мангу эзгу мақсад йўлида яратилади.

Масалан, аруз илмига бағишланган “Мезон ул-авзон”нинг ёзилиш сабабини Навоий қуйидагича изоҳлайди:

“Чун турк алфози билаким назм воқеъ бўлибдур, анга зобитае (қоида) ва қонуния йўқ эркандур ва ул фан ривожи учун киши аруз фаннида китобе ё рисолае битмайдур”.

Алишер Навоий биринчи бўлиб туркий тилда аруз илмига тамал тоши кўяди. Кейинчалик у бошлаган ишни Бобур Мирзо давом эттириб, “Мухтасар” номли катта асар яратди. “Мезон ул-авзон” ўзбек адабий тилини аруз илмига оид юзлаб атамалар билан бойитди. “Вазн”, “рукн”, “бахр”, “ҳазаж”, “рамал”, “мутақориб” каби атамалар бугун ҳам арузшунос олимларимизнинг илмий ишларида қўлланилмоқда.

Навоий даврида “туркий тил аруз вазнига унча мос келмайди” деган нотўғри ақида бор эди. Бу ақида тарафдорлари тўққизта унли товуши бўлган “же”ловчи туркий шеваларда синагармонизм қонунларига қаттиқ риоя қилинишини ва аруз вазни талаб қиладиган узун-қисқа товушлар уйғунлигини бундай шеваларда таъминлаб бўлмаслигини далил қилиб келтирар эдилар.

Лекин Навоий асарлари сингармонизм қонунларидан фойдаланган ҳолда узун-қисқа товушлар уйғунлигини ҳам тўлиқ таъмин этадиган туркий шеваларнинг тил бойликларидан фойдаланиб ёзилганига биз юқорида қатор мисоллар келтирдик.

“Мезон ул-авзон”да Навоий бундай мисолларга жуда катта ўрин беради. Ҳатто туркий халқларнинг тўйларида айтиладиган “ёр-ёр”лари аруз вазнида яратилганига қуйидаги мисолни келтиради:

Қайси чамандин эсиб келди сабо, ёр-ёр,

Ким дамидин тушди ўт жоним аро, ёр-ёр.

Муфтаилун фоилун муфтаилун фоилун.

Сўнгги сатр Навоий келтирган “ёр-ёр”нинг файси аруз вазнига мос келишини аниқ кўрсатиб беради.

“Мезон ул-авзон”да Навоий ўта ҳассос назар билан Ҳусайн Бойқаро ёзган кўпчилик ғазалларнинг вазни туркий тилда севиб айтиладиган халқ кўшиғининг вазнида эканини аниқлайди:

Эй саодат матлаъи ул орази моҳинг сенинг,

Аҳли бийниш қиблагоҳи хоки даргоҳинг сенинг.

Байтнинг маъноси шундай: “Эй, сенинг ой юзинг саодатга бошловчидир, даргоҳинг тупроғи кўзи яхши кўрадиганларнинг қиблагоҳидир”.

Бу байт арузнинг рамали мусаммани мақсур вазнида ёзилгандир. Айни шу вазн халқ оғзаки ижодида ҳам, Ҳусайн Бойқаро шеъриятида ҳам севиб қўлланилиши туркий элларнинг подшосидан тортиб оддий фуқаросигача аруз вазнини азалдан яхши билганини ва ундан самарали фойдаланганини кўрсатувчи ёрқин далилдир.

Алишер Навоий шу каби юзлаб далиллар билан туркий тилнинг имкониятлари араб ва форс тилларининг имкониятларидан кам эмаслигини, балки ортиқ жиҳатлари ҳам борлигини исбот қилади. Туркий тилда “бармоқ вазни” деб аталган жуда ранг-баранг вазнлар тизими мавжудки, бундай эркин вазнлар тизими форс тилида йўқлигини Навоий “Мезон ул-авзон”да махсус кўрсатиб ўтади.

Албатта, ҳар бир халқнинг тили ва шу тилда яратилган китобалри ўзига хос афзалиятларга эга бўлади. Масалан, форс тилида мактублар тўпламидан иборат бўлган ва “Муншаот” номи билан тартиб бериладиган китоблар Алишер Навоийда ҳавас уйғотади. “Форсий алфознинг иншолари дилписанд, макотибу (мактублари), имлолари аржуманд (ардоқли) эрди, – деб ёзади Навоий “Муншаот” асарининг муқаддимасида. – Хаёлга андоқ келдиким, турк алфозининг руқъалари (ёзишмалари) ҳамул(шу) мисол била битилгай ва бу тилнинг номаларини ҳам ўшул минвол (қоида) билан сабт этилгай (яъни, тўплам, қилингай)”.

Шу тарзда Навоий ўзбек мумтоз адабиётида “Муншаот” деб аталадиган янги бир жанрни ҳам бошлаб беради. Бу жанрда ўша даврга хос адабий тилнинг бир қанча янги хусусиятлари намоён бўлади. Аввало, мактублар бир одамнинг иккинчи киши билан бевосита суҳбати ва мулоқоти бўлгани учун расмий тил жимжималаридан ҳоли бўлади.

Алишер Навоий бетоб эканини эшитган Ҳусайн Бойқаро унга махсус мактуб юбориб, аҳвол сўраган бўлса керак. Навоий унга қуйидагича жавоб

ёзади: “Иноят қилиб сўрдира йиборилган иншонгим, етти, айтса бўлғайким, баданда ҳарорат шуъласидан шараре ва кўнгулда изтироб шиддатидан асаре қолмади. Битикингдинки, саводини кўруб жон топдим”.

Келтирилган иқтибос Навоийга хос поэтик тил ва ширингуфторлик билан ёзилган. Фақат иқтибос охиридаги бир мисра шеърда Навоий Ҳусайн Бойқарога “битигинг” деб, “сен” олмошида мурожаат қилгани эътиборни тортади. “32” деб рақам қўйилган яна бир мактубда:

*Кўзум учарки, ҳумоюн юзингни кўргай бот,
Бияйниҳ анга киприқлар ўлмиш икки қанот, –*

деган байт ҳам Ҳусайн Бойқарога қаратиб айтилган. “Ҳумоюн юз” подшоларга бериладиган сифатларидан бири. Лекин ҳаётда Навоий подшоҳга “сенсираб” гапирган бўлмаса керак. Масалан, “Хамсатул-мутаҳаййирин”да Навоийнинг Абдурахмон Жомийга “сизлаб” мурожаат қилганини кўрсатувчи мисоллар мавжуд.

Аmmo “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарида бевосита мулоқот пайтидаги диалогда икки дўст бир-бирларига “сен” деб мурожаат қиладилар:

“Фақир айтдимким:

- Мавлоно Лутфий ҳоло туркий қавмнинг устоди, малик ул-каломидур.
- Нечук, Сайид Насимий демадинг? – “сен” олмошида сўрайди Паҳлавон Муҳаммад. Навоий ҳам “сен” олмошида жавоб беради:
- Хотирға келмади... Бу саволда сенинг ғаразинг мажоз тариқида айтур эл эрди”.

Бу реалистик диалог бир-бирига чинакам қадрдон дўстнинг қиёфасини гавдалантириб беради. Улар қирқ йиллик қадрдон дўст бўлганликлари учун ёшлиқдан “сен” деб мурожаат қилишга ўрганган бўлишлари керак.

Худди шу фикрни сал бошқачароқ талқинда Ҳусайн Бойқаро билан Алишер Навоийнинг мактаб ёшидан бўланган дўстлиги тўғрисида ҳам айтиш мумкин. “Ҳилолия” қасидасида ҳам Навоий Ҳусайн Бойқарога “сен” олмошида мурожаат қилади. Умуман, Худога ҳам “сен” олмошида муножот

қилиш одат тусига кирган. Шеърятда ҳам барча улуғларга “сен” олмошида арз қилиш жоиз ҳисобланади.

Фақат Алишер Навоий Ҳусайн Бойқарога шеърда “сен” деб сўз айтганда икки орадаги сирдошлик ва дўстлик меҳри сезилиб туради. Ҳусайн Бойқаронинг ўзи ҳам Навоийга бағишланган ва юқорида қаламга олинган рисоласида Алишер унга “пардасарой хилватида, Шабистон суҳбатида ҳамдам” бўлганини ёзадики, бу уларнинг чинакам сирдош дўст бўлганини тасдиқлайди.

Навоийнинг кичик замондоши Зайниддин Восифий “Бадоеъ ул-вақоеъ” асарида шундай бир ҳаётий лавҳани келтиради. Алишер Навоий бир кун намоз вақтида Ҳусайн Бойқаронинг ҳузурига келади.

Намоз вақтида подшоҳ ҳузурига кириб арз қилиш ҳуқуқи фақат Алишер Навоийга берилган экан.

Ҳусайн Бойқаро нима ҳодиса бўлганини сўраганда, Мирҳожидан Пир деган золим амир бойлик ва мартабадан қутуриб, ўзини подшодан ҳам баланд олаётганини, кўчалардан тахтиравонда улуғ султонлар муяссар бўлмаган нашъу намоз ва тантана билан ўтганини Навоий шундай бўрттириб тасвирлайдики, Ҳусайн Бойқаро ҳовлиқиб кетган бу амирнинг ҳаром йўл билан орттирган молу мулкини мусодара қилишни буюради.

“Муншаот”га киритилган кўпчилик мактублар Навоий билан Ҳусайн Бойқаро орасидаги муносабатларнинг мана шундай дўстона ишонч билан суғорилганини кўрсатади.

Бахил кучлар Ҳусайн Бойқаро билан унинг катта ўғли Бадиууззамон Мирзо орасига низо уруғини сочади. Алишер Навоийнинг бир неча мактублари ота билан ўғилнинг орасида пайдо бўлган низо билан бартараф қилишга йўналтирилади.

Навоийнинг гувоҳлик беришича, бу низо кўпроқ ўғилнинг кибру ҳавога берилганлигидан келиб чиққан эди.

Астарабодга ҳоким қилиб тайинланган Бадиууззамон Мирзо отасининг хазинасига вилоятдан юборилиши керак бўлган мол-маблағни

юбормайди. Навоий ёзади: “Яна битибсизким, “Астрободга киши юбормангким, бермагумдур”... Бу мазмунни ҳам мулойимроқ битаолур эрдингиз. Ва “Ироқ вилоятларин улашибмен” деб битибсиз. Ироқ... иликка кирмасдан бурун ... Мирзо била бир-икки қатла сўзлашмай, арз қилмай бу иш қилилмиш бўлса... сиздан ажаб воқеъ бўлибдур”.

Навоий ҳовлиқиб кетган шаҳзоданинг хатоларини аниқ далиллар билан исботлаб беради. Подшоҳ отасига “одам юборманг, мол бермагумдур” деб дағал сўз айтгани, ҳали қўлга киритилмаган Ироқ (Эрон у пайтда Ироқ дейилган) вилоятларини подшодан берухсат ўз амирларига улашиб юборгани – шаҳзоданинг кибру ҳавоси ажабланарли даражага етганини Навоий мулойим бир киноя билан “сиздан ажаб воқеъ бўлубдур” деб танбеҳ беради.

37 рақам қўйилган иккинчи мактубда Навоий Бадиууззамон Мирзога “мажлис куриб чоғир ичарга кўп ҳирс кўрсатилмаса, кутубхона аҳли билан машғуллик қилилса, таворих ўкумоқ буюрилса... батахсис (хусусан) “Зафарнома”. Шу насихатлар орасида Навоий Амир Темурнинг Хусайн Бойқарога тўртинчи насаб эканини, шу сабабли ҳар ҳафта жума намозида Темурбекнинг номини хутбага қўшиб ўқитишни ибрат қилиб кўрсатади. Сиз эса иншонгиз туғросидан Мирзонинг муборак отин чиқарибсиз , – деб Навоий шаҳзоданинг яна бир хатоси отасига ҳурматсизлик қилгани эканини айтади. Ҳадиси шарифдан пайҳамбириз айтган куйидаги сўзларни келтиради: “Тенгри таоло ризосига вобастадир. Тенгри таоло ҳазаби ҳам ота ризосига вобастадир. Машойихлар “валедука раббука”, яъни “отанг парврдигориндур” деганлар”.

Умуман, зукко олим ва хассос адибимиз Пиримкул Қодиров жуда тўғри таъкидлаганидек: “Алишер Навоий ўз ҳаёти ва ижодининг охириги йилларида романтик кўтаринки услубдан кўра ўша давр ҳаётий муаммоларини тасвирлаш ва ҳал этишга қаратилган теран маъноли реалистик услубга кўпроқ амал қилади. Бу даврда ёзган асарларининг тилида ҳам реалистик бўёқлар устун мавқени эгаллайди”.¹

¹ Қодиров П. Тил ва эл. – Тошкент: Маънавият, 2010. Б.157.

2.2. Навоий – услубшунос

Бугунги кунда гап нутқ маданияти, бадий ижодда сўзнинг ўрни, сўз кўллаш санъати, умуман, услубият тўғрисидаги фикрлар тарихи тўғрисида, бундай гапларнинг ўзбек адабиёти, тилшунослиги фанида пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳақида борадиган бўлса, ўзбек адабиётшунослиги тарихи ўзбек халқининг анча қадимги тарихи билан боғланишини мамнуният билан қайд этилади. Бу фикрнинг ёрқин исботи сифатида буюк бобокалонимиз Алишер Навоий меросига мурожаат қилиш ҳам мумкин.

Алишер Навоийнинг нутқ маданияти, тил, услубият тўғрисидаги фикрлари ҳақида сўз очмоқчи бўлсак, биринчи навбатда бизнинг кўз ўнгимизда унинг, умуман тилшунослик, қиёсий тилшунослик учун катта аҳамиятга эга бўлган “Муҳокаматул-луғатайн” номли бебаҳо асари келади. Лекин сўз, унинг аҳамияти, функционал стилнинг айрим кўринишлари, поэтик асарда сўз кўллаш тўғрисида ўзининг “Хамса”, “Муншаот”, “Мажолис ун-нафоис” каби асарларида ҳам Алишер Навоий қимматли фикрларни айтган ва бу билан ўзининг тилга бўлган муносабатини очиқ-ойдин намоён қила олган.

“Хамса”нинг биринчи достони бўлган “Ҳайратул-аброр”нинг 14-боби “Одамзод вужуди осмоннинг жаҳон ёритар юлдузлари ва инсон зотига хос бўлган коннинг беҳисоб жавоҳирлари бўлган сўз таърифида...” деб бошланади ва бу боб тўлиғича сўз таърифига бағишланади.

Алишер Навоий фикрича, сўз дунёдаги энг қимматбаҳо нарсаларнинг ичида қимматлиси ҳам, уларни сақлаб турувчиси ҳам сўздир: “Сўз гавҳарининг шарофати шунчалар юксакки, гавҳардек қимматбаҳо нарса ҳам унга садаф бўла олмайди. Тўрт садаф (сув, ҳаво, ўт, туфроқ) ичидаги гавҳарга кути ҳам шу сўз, етти осмон юлдузларининг буржи ҳам шу сув”.

Ана шу ўринда, 14-бобда тил билан сўз муносабати, сўз нутқ маданиятининг энг муҳим воситаси эканлигини зўр эҳтирос билан тасвирлайди, сўзни энг қимматбаҳо нарсаларга қиёс қилади, ўз ўрнида топиб

ишлатилган сўз ўлган одамнинг танасига пок руҳ бағишлайди, аксинча унинг маъносига қарамай ишлатиш тириклайин ҳалок қилиши мумкинлигини таъкидлайди. Бу фикр услубият, нутқ маданияти учун бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотган эмас.

Улуғ шоир учун “сўз денгизидаги дурдонадир”. Бу дурдоналарни териб олиш учун моҳир ғаввос бўлиш, уларни ўз ўрнига қўйиб ишлата олиш учун эса тер тўкиб меҳнат қилган назм устаси бўлиши керак. У ўз ижодида бу талабларнинг ҳар иккаласини санъаткорона бажарди. Шу сабабли ҳам Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг адабиётдаги катта хизматларини ҳисобга олиб, уни “соҳибқирон” – шоирлар подшоси деб атаган эди. Замондоши ва устози, тожик халқининг улуғ фарзанди шоир Абдурахмон Жомий эса Навоийни мутакаллим (машҳур, мисли кўрилмаган сўз устаси) деб атади.

Навоий ўз ижодига нисбатан қаттиқ талабчан эди. Шу билан бирга, умуман, бадий адабиёт, жумладан, поэтик асарлар тилига, ўз замондош шоирлари тилига нисбатан ҳам юқори талабларни қўяр эди. Хатто шоирлик қобилияти, билими йўқ ёки жуда кам бўлган кишиларни аччиқ-аччиқ гаплар билан танқид қилади.

Алишер Навоий эрмак учун шеър ёзган шоирларни поэтик услубимизни суюқлаштирувчилар, уни бузувчилар деб танқид қилади. У бадий услубнинг табиати, услуб равонлигининг, мантиқийлигининг муҳим томонлари ҳақида гапирар экан, ҳамиша шакл ва мазмун бирлигини кўллаб-қувватлар эди. “Ҳайратул-аброр”га мурожаат қилайлик: “Назмда ҳам асосий нарса маънодир, унинг шакли эса ҳар хил бўлиши мумкин. Яхши мазмунга эга бўлмаган шеър тушунган одамларнинг яхши баҳосини оломайди. Ҳам яхши шаклга эга бўлган, ҳам гўзал маъно асосига қурилган шеър ҳақиқий шеър”. Шу билан бирга Алишер Навоий форма ва мазмун ҳақида гапирилганда, албатта, мазмунни биринчи ўринга қўяди: “Кимда маъно гавҳари бўлса, ўша одам сўз дарёсининг ғаввосидир”. Ёшлик пайтидаёқ икки тил эгаси “туркийда соҳиби фан, форсийда фавл эгаси” (Давлатшоҳ Самарқандий “Тазкират уш-шуаро”) бўлган Алишер Навоий маълум ёшга

етганда ўзбек (туркий) тилида ҳам дунё адабиёти хазинасининг дурдоналари билан бир қаторда тура оладиган асарлар яратиш мумкин деган хулосага келган экан, биринчи навбатда ўзбек бадиий услуби, аниқроғи, унинг бир кўриниши – поэтик усули тўғрисида, унинг келажаги тўғрисида қайғуради. Бу услубнинг хусусиятларини ҳам назарий (“Мезонул-авзон”, “Муҳокаматул-луғатайн”), ҳам амалий жиҳатдан (“Хамса”, “Хазойинул-маоний”) кўрсатиб берди.

Ҳозирги тушунчамиздаги функционал стилларнинг кўринишларини ривожлантириш маъносида Навоийнинг “Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер”, “Ҳолот Пахлавон Муҳаммад”, “Муҳокаматул-луғатайн”, “Мезонул-авзон”, “Тарихи мулуки ажам” каби асарлари ўша давр илмий услубининг ёрқин намуналаридир.

Айниқса, Алишер Навоийнинг ўзбек эпистоляр стилини (услубини) яратиш ва шакллантиришдаги хизматлари ҳам бебаҳодир. Навоийгача ва у яшаган даврда ҳам расмий, ҳатто шахсий хатлар (ёзишмалар) ҳам форс тилида олиб борилар эди. У ўзбек тилидан амалий фаолиятда ҳам фойдаланиш мумкин деган хулосага келди ва бу соҳада ҳам ўз она тилисини ҳимоя қилди. Шу мақсадда у “Муншаот” (“Хатлар намуналари”) номи билан махсус тўплам ҳам яратди. Бунда эпистоляр жанрнинг турли хил кўринишларини тўплади.

Мутафаккир шоир ва олим Алишер Навоийнинг тил тўғрисидаги, ўзбек тилининг турли томонларини характерлаш, унинг услубий хусусиятлари тўғрисидаги кўпгина фикрлари 1499 йилда ёзиб тугатилган “Муҳокаматул-луғатайн” асарида ўзбек тили билан форс тилини чоғиштириш жараёнида очиб берилган.

“Муҳокаматул-луғатайн”нинг кириш қисмида ҳам аввало, сўз, унинг кадр қиммати тўғрисида гапирилади. Шундан сўнг унда услубшуносликнинг функционал услублар тўғрисидаги таълимотидан кейинги асосий ўринларда турувчи синонимия масаласи ва эмоционал-экспрессивлик тўғрисида фикрлар юритилганлиги кўпчилик учун маълум.

Маълумки, синоним сўзлар маънода қандай бўлса-да айричаликларга эга бўлади. Агар уларнинг маънолари бир-бирига тўла равишда мос келиб қолса, лингвистик паралеллар беради ва синонимлардан бири қўлланишдан тушиб қолади. Шу сабабли биз Навоийнинг “Муҳокаматул-луҳатайн”да синонимлар ҳақида айтган фикрларини маъно нозиклари тўғрисидаги фикрлари билан боғлаб изоҳлашга ҳаракат қиламиз.

“Муҳокаматул-луғотайн”да турли хил маъно нозикликлари билан бир-бирларидан фарқланувчи ва бир-бирларига нисбатан синонимик муносабатда бўлган 100 та феълнинг рўйхатини келтирган, худди шу ерда Алишер Навоий кўйидагича ёзади: “Бу юз лафвздурки, ғариб мақосид асосида тайин қилибдурлар.... барчаси мухтожун илайхдурки, асло анинг мазмунинг тафхили қилмоқ бўлмас...”.

Мана бир неча мисоллар келтирайлик. Номи юқорида кўрсатилган бу лингвистик асарда “ичмоқ” маъносини беришдаги сипқармоқ, тамшимоқ, бўҳсамоқ феъллари келтирилади ва улар маъносидаги нозик фарқлар кўрсатилади. Ёки туркий тилда “йиғламоқ” феълининг киши ҳолатига (қандай йиғлашига) боғлиқ равишда бир неча хил нозик фикрларни кўрсатувчи феъллардан еттитасини (йиғламсинмоқ, инграмоқ, синграмоқ, ўқирмоқ, ҳой-ҳой йиғламоқ, инчқирмоқ каби) келтиради ва уларнинг маънодаги айричаликларини мисоллар асосида исбот қилади.

Алишер Навоий изоҳи бўйича йиғламсинмоқ – ўзини йиғлаётган киши қилиб кўрсатиш; инграмоқ ва синграмоқ – дард билан яширин аста йиғламоқдир; сиқтамоқ – йиғламоқнинг муболағаси, ўқурмоқ – баланд товуш билан тўполон кўтариб йиғлаш; инчқирмоқ – ингичка овоз билан йиғлашдир. “Чақалоқ ўқириб йиғлади, чол ингалаб йиғлади”, дейиш мантиқсиз ва бундай ишлатиш ўринсиз бўлгани каби, кўрсатилган феълларни ҳам шароит, ҳолат билан боғлиқ равишда бири ўрнида иккинчисини бефарқ ишлата бериш мумкин эмас. Аммо уларнинг (7 феълнинг) ҳаммаси биргина маҳраж-йиғламоқ тушунчасига, маълум нозик фарқларига қарамай бирлаша олади.

Фикримизча, шу ўринда Алишер Навоийнинг услубият учун аҳамиятли ҳодисалардан омонимия ва антонимия ҳодисалари тўғрисидаги фикрларини келтириш ҳам жоиз. Навоий омонимларининг тажнис санъатида кўл келишини таъкидлайди ҳамда улар назмни безайди ва санъатли қилади, деб ҳисоблайди.

Тўғри, Навоий бу ҳодисани омонимия ҳам, полисемия деб ҳам, туркчасига кўп маъноли сўзлар деб ҳам атамаган. Ҳозирги терминалогия билан айтсак, келтирилган сўзларнинг кўплари бир-бирлари билан омонимик муносабатда бўлади. Масалан, ит-кучук; ит (йўқотмоқ) – ҳозир айрим шеваларда йитирдим формаси бор; бор – мавжудлик, боришга буйруқ, юк, мева; от-исм, хайвон, отмоқ (буйруқ) сўзларини қиёс қилиш мумкин.

Навоийдан бир мисол келтирайлик:

*Чун парию ҳурдир отинг бегим,
Суръат ичра дев эрур отинг бегим,
Ҳар хадангиким, улус андин қочар,
Нотавон жоним сари отинг бегим.*

“Муҳокаматул-луғатайн”да яна туз, кўк, соғин каби сўзларнинг англатган маънолари ҳам зўр усталик билан кўрсатилган. Асарда, айниқса, стилистиканинг фонетик воситалари тўғрисидаги фикрлар қимматлидир. Жумладан, маъно нозикликлари келтириб чиқаришда биргина товушнинг фонетик вариантлари роли, қофиялар ҳосил қилишда товушларнинг мослиги хусусиятлари тўғрисидаги фикрлар бунга мисол бўла олади. Масалан, ў ва О, У ва Ў товушлари келтириб чиқарган нозикликларни Навоий шундай кўрсатади: 1) ўт – ёндирувчи нарса (олов), от – ўтиш маъносида; ут – юлмоқ маъносида; ут – каллани ўтга тутиб, туқини аритиш маъносида.

“Муҳокаматул-луғатайн”нинг сўнгида ўзбек (туркий) тилининг лексик бойлиги кўплаб мисоллар асосида очиб берилган. Жумладан, ўзбек тилида улуғни оға, кичикни ини, улуғни – эгачи, кичигини эса сингил дейилиши, кийикнинг эркагини “хуна”, урғочисини қилчоқчи, суйқуннинг эркагини “буғу” ва урғочисини “марал”, чўққанинг эркагини “қобон”,

урғочисини “мегажин”, боласини чурна дейилиши, хатто кушчилар ўрдакнинг 70 турини билиши, отнинг турлари – тубучоқ, арғумоқ, яка, ёбу, тоту : ёшига кўра турлари той, ғунан, дўнан, тулан, чирға ва ланга тарзида айтилишини кўрсатадики, булар услубий нуқтаи назардан бири ўрнида иккинчиси ишлатилиши мумкин эмас. Уларнинг ҳар бири алоҳида сўз сифатида маъно хусусиятларига эга. Биргина предмет ёки жониворнинг бир неча хил фарқли атамалар билан кўрсатилиши кўпгина тилларда бугунги кунда ҳам йўқ.

Алишер Навоий ўзининг бу асарида грамматик воситаларнинг маъно нозикликларини келтириб чиқаришдаги термин билан айтганда, феъл нисбатларини ҳосил қилувчи “ш”(шин) ва “т” аффикслари ҳақидаги фикрлари алоҳида эътиборга лойиқ. Унда икки, уч сўз билан айтилиши мумкин бўлган фикрни ифодалашда биргина сўзнинг таркибидаги бу кўшимчарнинг ихчамлигини таъминлашдаги роли баҳоланади : “...араб тилининг сарфий истилоҳининг абвобида бир бобдурки, анга – муфоала боби от қўюптиларки, лафз бир мавкур бўлур, аммо икки киши феълига муштамилдурки, бир навъ воқеъ бўлғай. Андоқки “муораза” ва “муқобала” ва “мушоара” ва “муколама” ва куллий бобдур мунда азим фавоид ҳосил... Аммо турк булағоси бу фойдага таарруз қилибдурлар. Ва масдарға бир “шин” ҳаофи илҳоқ қилмоқ била ул мақсудни топибдурлар. Андоқки, “чопишмоқ” ва “топишмоқ” ва “ўпишмоқ” ва бу шое лафздур”.

Юқоридагиларга таянган ҳолда таниқли услубшунос олим Р. Қўнғуров қуйидаги хулосага келади: “Шундай қилиб, юқорида баён қилинган қисқа ва умумий фикрлар ҳам бизга Алишер Навоийни ўзбек адабий тилининг асосчисигина эмас, ўзбек услубшунослигининг ҳам асосчисидир деган гапни айтиш имкониятини беради”.¹

¹ Қўнғуров Р. Алишер Навоий – услубшунос // Алишер Навоий ижодий меросини ўрганиш проблемалари. – Самарқанд, 1990. Б 60.

2.3. Навоий сўз ҳақида

Ўзбек адабиёти ва ўзбек адабий тилининг асосчиси, буюк мутафаккир Мир Алишер Навоийнинг ўзбек нутқ маданияти ривожига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида сўз кетганида улуғ алломанинг сўз ҳақидаги қарашлари тўғрисида ҳам тўхталиб ўтишга тўғри келади. Чунки Алишер Навоий ижодий фаолиятининг асосий қисми, айниқса, машҳур “Хамса” асари дostonларининг бир неча боблари Аллоҳ ҳамди, пайғамбарлар наътидан сўнг сўз таърифига бағишланган. Бу ҳақда Навоийшунос олимлар томонидан қатор тадқиқотлар ўтказилган бўлса-да, бу улкан мавзу хусусида яна кўп фикрлар билдириш мумкин.

Ҳазрат Алишер Навоий асарларини синчиклаб ўрганадиган бўлсак, уларда сўзнинг қуйидаги энг муҳим хусусиятлари алоҳида таъкидлаганлигининг гувоҳи бўламиз:

1. Чексиз оламнинг бошланиши ва охири сўздир:

*Авалу охирингга солғил кўз,
Бил ҳам аввал сўзу ҳам охир сўз.¹*

Ёки:

*Бас аввалги садо сўз ўлғай,
Ҳар савтга ибтидо сўз ўлғай.*

2. Ҳаёт моҳияти ҳисобланган тўрт унсур, яъни сув, ҳаво, ўт (олов), тупроқ ҳам, етти қават осмондаги етти сайёранинг ҳам мавжудлик асосидир:

*Тўрт садаф гавҳарининг дуржи ул,
Етти фалак ахтарининг буржи ул.*

3. Инсонни ҳайвонот олаmidан фарқловчи асосий белгидир:

Тенгрики, инсонни қилиб ганжи роз,

¹ Назмий парчалар қуйидаги китобдан олинди: Алишер Навоий. Хамса. – Т., 1960.

Сўз била ҳайвондин анга имтиёз.

Ёки:

Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,

Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.

4. Ўликни тирилтириш, тирикни ўлдириш хусусиятига эга:

Сўздурки нишон берур ўлукка жондин,

Сўздурки берур жонга хабар жонондин.

Ёки:

Сўздин ўлукнинг танида руҳи пок,

Руҳ доғи тан аро сўздин ҳалок.

5. Сўз гавҳарининг шарофати шунчалар юксакки, гавҳардек қимматбаҳо нарса ҳам унга садаф бўла олмайди:

Сўз гуҳарига эрур онча шараф,

Ким бўла олмас анга гавҳар садаф.

6. Сўз – кўнгил фарзанди. Демакки, жонга пайванддир:

Ки сўз зодаи табъу фарзанд эрур,

Чу фарзанд эрур, жонга пайванд эрур.

Шундай экан, ким ҳам ўз оғзидан чиққан сўзни – кўнгил фарзандини ёмон дер эди:

Сўзунгники яхши кўрарсен ўзунг,

Кўрунмас ёмон, чун эрур ўз сўзинг.

7. Сўз – боқий, азалий ва абадий. Уни қанча қўлласангиз, истифода қилсангиз, шунча сайқаллашади. Навоий бу жараённи олам аҳли Қуёш заррасини абадий йиққан ёки ундан фойдалангани билан нури тугамагани, денгиз сувига игна учини ботириб ёки намлаб олгани билан у камаймаганига ўхшатади:

Олам эли зарра йиғса жовид,

Нурини кам айлагайму хуришид.

Игна учи била жазб этиб нам,

Ким баҳр сувини айлагай кам?

8. Сўз инсоннинг дилидагидан, кимлигидан далолат берувчи нишонидир. Буни Алишер Навоий бир неча тимсоллар воситасида исботлайди. Бир “ғунчаи оғизлик, санами нўшлаб” ғоят чиройли, лаъл лаблари кишини маст ва бодапараст қилғудек. Аммо у суҳбатда хомуш ўлтирса, ундан бир яхши сўз чиқмаса, суратда қанчалик ой каби гўзал бўлмасин “сурати девор ҳамон, ул ҳамон” бўлиб қолаверади:

*Ғунча оғизлиқ санами нўшлаб,
Сўздин агар айласа, хомўш лаб,*

*Лаъли майи ақлни маст айласа,
Маст неким, бодапараст айласа.*

*Сурат ила бўлса маҳи осмон,
Сурати девор ҳамон, ул ҳамон.*

Бошқа бир маҳбуба гарчи қамар рашкини келтирувчи чиройга эга бўлмаса ҳам, киприклари саф тортмаган, ўзи ғамздор кўринмаса ҳам такаллум пайтида аччиқ сўзга ширин жавоб қайтарса, дашном билан ақлни маст қила билса, у барчани ўзига мафтун эта олади:

*Гар чиройи рашки қамар бўлмаса,
Лаъли лаби тунги шакар бўлмаса,*

*Айламаса ғамзани новакфикан,
Қилмаса кирпик сафини сафишкан,*

*...Лек такаллум чоғи айлаб итоб,
Талх ҳадис ўлсаву ширин жавоб,*

*...Борчасидин ҳазм этар аҳли уқул,
Гар худ узоқ чекса бўлурлар малул.*

Хуллас, сўз – дунёнинг энг буюк мўъжизаси, оламнинг ибтидо ва интиҳосидир. У тирикни ўлдириши, ўликни тирилтириши мумкин.

Ўз фаолиятини сўзни улуғлашга бағишлаган буюк мутафаккир Алишер Навоий асарлари эса бизни доимий равишда дунёнинг энг сирли мўъжизаси ҳисобланган сўзга эҳтиёткорлик ва масъулият билан муносабатда бўлишга, кадрлашга чорлайди.

2.4. Навоий рост ва ёлғон ҳақида

Эзгулик ва ёвузлик, тўғрилиқ ва эгрилик, ростгўйлик ва ёлғончилик олам яралгандан буён курашиб келади. Агар “ва”дан олдин санаб ўтилган кучлар ҳамиша ва осонликча ғолиб бўлаверганида уларнинг кураши кураш бўлмас, алломалар бу тушунчалар ҳақида бош қотириб, фикр билдириб ўтирмас эдилар.

Табиат ва жамиятнинг азалий муаммоси бўлмиш бундай оқ ва қора ранглар улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий ҳазратларини ҳам бефарқ қолдирмаган ва ўзининг “Ҳайратул-аброр” достонида шу мавзуга доир “Ростлик таърифида” деган махсус боб ҳам ажратган. Қуйида мана шу ва бундан кейинги бобда илгари сурилган ғоялар ҳақида фикр юритамиз.

Улуғ мутафаккирнинг фикрича, ростлик – борлиқ уйининг тўғри устунидир. Ул уйнинг шабистони бурчагида бу ростлик шами (нур) мужлисини безатади. Ёлғон эса эгри, нопок одамга ўхшайди. У хазина устида аждаҳодек ҳалқа бўлиб ётса ҳам уни ўлдириш керак.

Тўғри, ростгўй одам беташвиш бўлади. Ҳар ким ўзига тўғрилиқни одат қилгандан кейин чархнинг тескари айлангани билан унинг нима иши бор?!

Айвонда ёнаётган шамнинг бўйи бўлгани сабабли у кечаси қоронғида базмнинг маҳбубасига айланади. Эгри учиш қилиб парвона кўп айлангани учун охири шам ўтига урилиб ёниб кетди.

Одамнинг ўзи билан сўзи бир бўлиши, яъни сўзи тўғри одамнинг ўзи ҳам тўғри бўлиши керак:

Бир буки, туз бўлса кишининг сўзи,

Йўқ сўзиким, ҳам сўзию ҳам ўзи.

Киши ёлғончиликни ўзига касб қилиб олмаслиги, гапирса ҳам кам гапириши лозим:

Ҳар киши ёлғонни деса, лек кам,

Бўлгай эди кош бу давронда ҳам.

Афсуски, эгрилик, ёлғончилик ғолиб келадиган, ростгўйлар хорланадиган пайтлар ҳам кўп бўлади. Чунки биз шундай қизиқ замон одамларига мубтало бўлганмизки, – дея таъкидлайди Навоий, – уларнинг олдида ростгўйликдан ёмон нарса йўқ. Кимки бу даврда тўғри гапиришга одатланган бўлса, у камбағаллик, етишмовчиликдан бошқа нарсани билмайди. Бу давр истаги эгрилик юўлгани учун, сен ҳақиқатни талаб қилсанг, унга ёқмайсан. Эгрилик, ёлғончилик эса бошга кўтарилади. Салла ҳам чирмаб ўралгани учун бошнинг устига чиқиши лойиқ топилди:

Мунча чирмаш била дастордур,

Бош уза чиқмоққа сазовордур.

Бироқ ёлғоннинг умри барибир қисқа. У бир кунмас бир кун ошкор бўлади. Кимки ёлғон гапиришни одат қилган бўлса, уни эру мусулмон деб бўлмайди:

Ул киши айлади ёлғон демак,

Бўлмас ани эру мусулмон демак.

Унинг бу ишидан халқ ғофил бўлса ҳам тангри бу ҳолдан воқиф:

Ғофил эса халқ бу аҳволдин,

Воқиф эрур тенгри худ ул ҳолдин.

Ёлғончилик билан ном чиқарган одамга ростлик ҳеч қачон қайтиб келмайди. Рост гапирса ҳам, халқ унга ишонмайди. Шунинг учун ҳар қандай оғир вазиятда қолганингда ҳам, ростнинг гапиришининг иложи бўлмаса, ёлғонни ҳам гапирма:

Неча зарурат аро қолгон чоғи,

Рост демас эрсанг, дема ёлғон доғи.

Алишер Навоий “Ҳайратул-аброр”нинг бундан кейинги “Дуррож ва шер” деб номланган бобини ёлғон сўздан – ёлғончиликдан келадиган офат баёнига бағишлайди. Унда дуррож (қирғовул) ёлғончилиги туфайли унга дўстликни таклиф этган шернинг кўмагидан бенасиб қолиб, овчининг тузоғига илингани ҳикоя қилинади. Бобнинг охирида нима десанг ҳам ростни

гапир, ростни куйлаган оҳангларга таҳсин айт, мазмунидаги куйидаги байт келтирилади:

Сўзда Навоий, не десанг, чин дегил,

Рост наво назмага таҳсин дегил.

Умуман, Алишер Навоий асарлари бизни ҳамиша ва ҳар қандай вазиятда ҳам чин сўзни айтишга, ростгўйликка чорлаб туради.

2.5. “Ҳикматлар”да сўз, тил ва нутқ одобига оид фикрларнинг ифодаланиши

Луғавий маъноси тафаккур соҳиби, кенг ва чуқур фалсафий мушоҳада юритиш истеъдодига эга бўлган киши маъноларини англатадиган мутафаккир шоир дея улуғланадиган Алишер Навоий уммони шу қадар кенг, чуқур ва беқиёски, унга истаган мавзуда мурожаат этиш ва батафсил жавоб олиш мумкин. Зеро, Алишер Навоий асарлари, яхлит олганда, ҳаёт қомусига ўхшайди. Чунки бирор-бир ҳаётий масала, инсонга хос қадрият ва туйғулар, фазилат ва иллатлар йўқки, у қаламга олмаган бўлса! Шунинг учун Алишер Навоий ҳикматларига қизиқиш ҳамма замонларда ҳам юқори бўлган. Бу ҳикматлар Собир Иброҳимов, Солиҳ Муталибоев, Ҳоди Зариф, Ҳамид Сулаймон, Алибек Рустамов, Марям Раҳматуллаева, Ҳайрулла Исмаилов, Эргаш Очилов ва бошқа олимлар томонидан 1939, 1941, 1947, 1948, 1961, 1968, 1985, 1991, 1998, 1999, 2006 йиллари “Навоий афоризмлари“, ”Афоризмлар“, “Ҳикматли сўзлар“, “Алишер Навоий ҳикматларидан“, “Ҳикматлар” номлари билан нашр қилинган.

Биз Солиҳ Муталибоев ва Эргаш Очиловлар томонидан нашрга тайёрланган ва 2006 йили “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти томонидан чоп этирилган “Ҳикматлар” тўпламига ўз мавзуимиз нуқтаи назаридан мурожаат қилдик ва ундан мукамал жавоблар олдик.

“...замонасининг барча илмларини эгаллаган, ҳаётнинг бутун аччиқ-чучугини тотган донишманд шоирнинг кўрган-кечирганларининг хулосаси сифатида теран мазмунли лўнда ҳикматлари халқ орасига шунчалик сингиб кетганки, – дейилади “Ҳикматлар” китобида, – уларнинг қайси бири халқнинг ўзиники-ю, қайси бири Навоийники эканлигини ажратиб бўлмайди. Мисоллар:

Билмагани сўраб ўрганган олим ва орланиб

сўрамаган ўзига золим.

Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб

дарё бўлур.

Тилга ихтиёрсиз, элга эътиборсиз.

Айтур сўзни айт, айтмас сўздин қайт.

Сиҳат тиласанг, кўп ема, иззат тиласанг, кўп дема.

Эр кишига зебу зийнат ҳикмат ва донишдур.¹”

Улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоий илк девони “Бадоеъ ул-бидоя”га ёзган дебчасидаёқ адабиёт – тарбия воситаси эканлигига урғу бериб, ҳар қандай бадиий асар маърифий фикрлар ва панд-насиҳатдан холи бўлмаслиги кераклигини қайд этиб, жумладан шундай ёзган эди: “Девон топилғайким, анда маърифатномуз бир ғазал назм бўлғайким, анда маъвиятангиз бир байт бўлмаган. Мундоқ девон битилса, худ асру беҳуда заҳмат ва зоеъ машаққат тортилғон бўлғай.²”

Тан олиб айтиш керакки, инсон тарбияси, камолоти масалаларини ўзбек адабиётида ҳеч ким Навоийдек меъёрига етказиб қуйламаган. Шоир орзу қилган комиллик йўли – бу, биринчи навбатда, етук одоб-ахлоқ соҳиби бўлиш, жами инсоний эзгу фазилатларни эгаллаш, замонасининг барча илму ҳунарларини ўзлаштириш, илм ва ҳунарни бир-биридан ажратмаслик, нафақат маънавий, балки жисмоний жиҳатдан ҳам баркамолликка интилиш, ҳамиша элу юрт хизматига шай туриш, миллатнинг оғирини елкага олиш,

¹ Алишер Навоий. Ҳикматлар. – Т.: Шарқ, 2006. Б. 5. Кейинги мисоллар ҳам шу китобдан олинди.

² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. XX жилдлик. 1- жилд. – Т., 1987. Б. 21.

Ватанга содиқ фарзанд бўлиш, бурч ва масъулият туйғусини ҳамма нарсдан баланд қўйиш ва ҳоказо.

Навоий барчадан талаб этган ва ҳаммада бўлишини орзу қилган эзгуликларнинг мазмун-мундарижаси шу қадар кўпки, уларни бирма-бир санаб чиқиш чиқишнинг ўзи учун алоҳида китоб ёзиш керак бўлади.

Аслида Шарқ халқлари қадим-қадимдан мақол-маталлар, теран маъноли ҳикматли сўзлар, ибратли ривоятларга мойилликлари билан ажралиб турадилар. Халқ эртаклари донишманд ота-боболаримиз битта ҳикматли сўзни бир тиллага сотиб олганлигидан шохидлик беради. Ривоят қилишларича, Оллоҳ таоло Лукмони ҳакимдан: “Пайғамбарлик берайми ёки ҳикмат?” – деб сўраганда, у ҳикматни танлаган экан. Шундан кейин Худованди карим унга шунчалик кўп ҳикмат берган эканки, барча пайғамбарлар ҳам унинг панд-насихатларига муҳтож бўлган эканлар.

Буюк бобокалонимиз ижодий барҳаётлигининг сири шундаки, у азалий ва абадий мавзуларни юксак маҳорат билан қаламга олган: муҳаббат ва вафо, дўстлик ва инсонпарварлик, меҳнатсеварлик ва ҳалоллик, мардлик ва олижаноблик, қаноат ва саҳоват каби инсоний фазилатларни улуғлаган бўлса, ёмонлик, зулм ва зўрлик, ноҳақлик, эътиқодсизлик, бевафолик, дилозорлик, ҳасад, риё, кибр, тама, ҳасислик сингари иллатларни кескин танқид қилган. Инсоният мавжуд экан, бу ижобий ва салбий хусусиятлар у ёки бу даражада яшайди. Бинобарин, Навоий каби ҳассос шоирларнинг эзгуликни улуғлаш, ёвузликни қоралашга йўналтирилган асарлари ҳамма даврларда ҳам жамият манфаатларига бирдай хизмат қилган ва қилаверади.

Навоий ҳикматлари ичида алоҳида ажралиб турадиган ва қайта-қайта мурожаат қилинадиган мавзулардан бири – бу, инсон қалби ва уни авайлаш масаласидир. Қуйидаги ҳикматли байтга эътибор қаратайлик:

Кимки бир кўнгли бузугнинг хотирин шод айлагай,

Онча борки, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.

Бу байт мазмунидан келиб чиқадиган кўнгилнинг ҳамма нарсдан, ҳатто Каъбадан ҳам устун қўйилишининг сабаби шундаки, тасаввуфда

Оллоҳдан кейин кўнгил туради. Тўғри, Каъба – Оллоҳнинг уйи, лекин у зоҳирий, рамзий уй, унинг ҳақиқий уйи – инсоннинг қалби, кўнгли. Шунинг учун ҳам Умар Хайём лойдан бино қилинган юзта Каъба битта кўнгилнинг ўрнини босолмайди, деган бўлса, Навоий “Ҳайратул аброр”да оламнинг қибласи бўлишига қарамай, Каъбанинг кўнгил каъбасичалик қадри йўқ, деб лутф этади:

*Каъбаки, оламнинг ўлуб қибласи,
Қадри йўқ ончаким, кўнгул каъбаси.*

Кўнгил каъбасига кириш учун бирдан-бир ва энг қулай восита эса – сўздир, ширин такаллумдир:

*Кўнгул махзанининг қулфи тил
Ва ул махзаннинг калидин сўз бил.*

Аслида суҳбатдан мақсад, муддао – кўнгилга йўл солишдир. Бундай суҳбатга бахтли киши муяссар бўлади. Шунинг учун доимо яхши кишилар билан ҳамсуҳбат бўлишга интил ва бу сени ҳар қандай ёмонликдан асрайди:

*Асли мақсад соридир йўл суҳбат,
Фархунда кишики, топқай ўшул суҳбат.
Яхши кишилар бирла тутар бўл суҳбат,
То бергай амон шарирдин ул суҳбат.*

С. Муталлибобоев ва Э. Очиловлар томонидан тайёрлаб, нашр эттирилган “Ҳикматлар”да сўз, тил ва нутқ одобига оид фикрлар бир талай. Биз уларни мавзумиз талабидан келиб чиққан ҳолда ажратиб олдик ва маълум хулосалар чиқаришга ҳаракат қилдик. “Ҳикматлар” алфавит тартибида берилган бўлиб, биз ҳам мана шу тартибни сақлаган, ҳар бир ҳикматни юлдузчалар (***) билан ажратган ҳолда беришни маъқул топдик:

*Агар тилни асрамоқ кўнгулга меҳнатдур,
Аммо сўзни сийпамоқ бошга офатдур.*

Тилни тийиш киши учун қийин бўлса-да, унга эрк бериш бошга бало, офат келтиради.

* * *

Афтодалиг била хўй тут ва шикасталиг била кўнгулни овут.

Камсуқумликни одат қил ва хокисорлик билан кўнгилни овут.

* * *

Айтур ерда унутма, айтмас ерда ўзунгни мутакаллим тутма.

Зарур жойда гапир, зарурат бўлмаганда ўзингнинг нотиклигингни намойиш қилма.

* * *

Агар нодон маҳалсиз ҳарзаким айтур вале эштур –

Қулоққа ёқмаса, маънига танбеҳ айламак бўлмас.

Эшак савти Каломуллоҳда келди анкар ул-асвот,

Анинг савтига тақрибу таҳошир истамак бўлмас.

Агар нодон бемаҳал валдираса, қулоққа ёқмаса ҳам, насиҳат билан уни тўхтатиб бўлмайди. Каломуллоҳда эшакнинг ханграши дунёдаги энг ёқимсиз овоз дейилган, лекин минг ҳазар қилган билан, яқинингда экан, унинг овозидан қочиб қутулиш имконсиз.

* * *

Агар бор эса поклик нияти,

Анга ёр эрур поклар ҳиммати.

Кўнгли пок кишиларга пок, беғубор кишиларнинг ҳиммати ҳамиша ёр бўлади.

* * *

Ани назм этки, тарҳинг тоза бўлгай,

Улусқа, майли, беандоза бўлгай.

Халққа ноанъанавий бўлса-да, янги нарсани шеърга сол, оҳорли фикр айт.

* * *

Айлама ўз раъйингга кўп эътиқод,

Муътамад эл раъйидин иста кушод.

Ўз фикру ўйингга кўп ҳам эътиқод қўйма, одамларнинг тажрибадан ўтган тадбирларига ҳам мурожаат қил.

* * *

*Барқни кулгу йиқибон тоғ аро,
Балки қилиб ер қуйи туфроқ аро.*

Кўкда юрган чакмоқни ер остига киргизган нарса унинг ўринсиз шақиллаши (кулиши) дир.

* * *

*Бир деганни икки демак хуш эмас,
Сўз чу такрор топди, дилкаш эмас.*

Айтилган нарсани такрорлаш ортиқчадир. Такрор айтилган сўз ёқимсиздир.

* * *

*Бир сўз этиб шунча баляятни дафъ –
Ким, сочибон ганж, етишмай бу нафъ.*

Бир сўз шунча балони даф қиладики, бир қанча молу пул сарф қилганда ҳам, у фойдаларга эришиш қийин бўлади.

* * *

*Бўлма малул ўлса кенгаида талаиш,
Асру узун доғи керакмас кенгаиш.*

Маслаҳат вақтида ҳар хил тортишувларга хафа бўлма, лекин жуда чўзилиб кетадиган мажлис ҳам ҳожатсиз.

* * *

*Бўлса керак фикр ила шоҳи замон,
Яхшига яхшию, ёмонга ёмон.*

Замоннинг шоҳи яхшига яхши, ёмонга ёмон муомала қилиши зарур.

* * *

*Бировким, хирадмандлик нуктасин
Қулоғига олмас, не нуқсон мунга.
Жавоҳирни термов анга саъб эса,
Эрур сочмағлиғ худ осон мунга.*

Биров доно насихатини қулоғига илмаса, бундан айтувчи ҳеч нарса йўқотмайди. Эшитувчи учун маъно дурларини териш мушкул бўлса, айтувчига уларни сочиш осон.

* * *

*Бегунахро сохта озурда аз теги забон,
Нотавон кардан раги беранжро аз наштар аст.*

Бегуноҳ кишининг кўнглини тил тиғи билан жароҳатлаш соғлом томирга наштар уриб, уни майиб қилиб қўйиш билан баробардир.

* * *

*Бар макаш теги забон ҳар дам, к-аз ин шамъро,
Сар бурад ар чи ба фарқ аз шўъла заррин мизфар аст.*

Тил тиғини ҳадеб тортаверма, худди шу иши учун бошида шуъладан заррин кулоҳ бўлса ҳам, ҳар кеча шамнинг бошини кесадилар.

* * *

*Бировким, эрур ростлигдин йироқ,
Анингдек киши бўлмагон яхишироқ.*

* * *

*Бермас татвил чун сухандон сўзга,
Қил мухтасар улча бўлгай имкон сўзга,
Кўп айб топар кимса фаровон сўзга,
Чун чекти узоққа, етти нуқсон сўзга.*

Сўз қадрини билган уни узоқ чўзмайди, имкони борича сўзни қисқа қил, чунки сўз қанча чўзилса, камчилиги ҳам шунча кўп бўлади, одамлар кўп сўздан кўп айб топадилар.

* * *

*Бу ёзуғ бас кишигаким, элдин
Ҳар не сўзки эшитти, фош этти.
Тоғ эшитганин дер, гуноҳдин
Гўё Тенгри они тош этти.*

Эшитганини элга ёйиш кишининг гуноҳкор бўлиши учун кифоя. Ҳар қандай садони қайтаргани учун ҳам Худо тоғри гуноҳкор санаб, уни тошга айлантиргай.

* * *

Воиз улдурким, мажлисга холи кирган тўлгай ва тўла кирган холи бўлгай.

* * *

*Воизки, дастёрсиз ўлмас сухангузар,
Анга ёроду мунга аёлғувчи ҳукми бор.*

Баъзи воизлар ёрдамчиси бўлмаса, нутқ ирод қилолмайди. Бундай воиз – мусиқа асбобига, ёрдамчиси – чолғувчига ўхшайди.

* * *

*Виқор гавҳарию ҳилм маъдани бўлакўр,
Десанги, қилгай итоат сенга гадо ила шоҳ.
Бу шев тоғда зоҳирдурки, даврондин
Қачонки тафриқа етти, улусқа бўлди паноҳ*

Катгаю кичик ҳурматингни жойига кўйишини истасанг, вазминлик гавҳарию мулойимлик кони бўл. Бу одат тоғда намоён: қачонки бирор кўнгилсиз ҳодиса юз берса, халққа паноҳ бўлади.

* * *

*Воиз томеъ гадои нон бувад, фарқаш ҳамин:
К-ин ба зери минбар омад, он фарози минбар аст.*

Тамагир воиз нон гадосидир, улар ўртасидаги фарқ шундаки, бири минбарнинг пастида-ю, бири устида.

* * *

*Гарчи анга шафқат эрур судманд,
Еткурур ифроти валекин газанд.*

(Болаларга) меҳрибонлик, юмшоқ муомала, албатта, фойдали. Лекин бу ишда ўтакетган бир даражада иш кўриш зарарлидир.

* * *

*Гавҳару дурни қулоқ озори бил,
Сўзни қулоқнинг дури шаҳвори бил.*

Гавҳар ва дурлар қулоққа озор берувчилардир. Қулоқ учун қимматбаҳо зийнат унинг фойдали сўзларни тақиш (сингдириши, тинглаши)дир.

* * *

*Гар захр била кишига ком ўлса ачиг,
Юз ончаки, сўз била мудом ўлса ачиг,
Ҳар неча мазоқ аро таом ўлса ачиг,
Хушироқдурур андинки, калом ўлса ачиг.*

Кишининг оғзи сўз билан доим аччиқ бўлиб юрганидан захар билан аччиқ бўлгани юз марта яхши. Аччиқ сўздан аччиқ таом яхшироқ.

* * *

*Гулишане келди жисми инсоний,
Нутқ анинг булбули хушалҳони.*

Инсон жисми бир гулшан бўлса, тил унинг хушовоз булбулидир.

* * *

*Гар йўқтур адаб, не суд олтун унидин,
Элнинг адаби хушироқ эрур олтунидин.*
Адаб бўлмаса, олтиннинг жарангидан нима фойда?
Кишининг адаби унинг бойлигидан яхшироқдир.

* * *

Душман мақолоти – бонг хаёлоти.

Душманнинг сўзлари наша кайфининг хаёлингни ўғирлашига ўхшайди.

* * *

Десанг, топай эл замиридин боре хабар,

*Сирридин эрур таври намурад хабар,
Таврин кўру равшан айла ҳар сори хабар –
Ким, кўнглидагидин берур атвори хабар.*

Одамларнинг кўнглида нима борлигини билмоқчи бўлсанг, ташқи кўриниши ички сиридан хабар бериб туради. Хулқини кўру хулоса қил, зеро, кишининг юриш-туришию гап сўзи ички олаמידан далолатдир.

* * *

*Донаву дур сўзини афсона бил,
Сўзни жаҳон баҳрида дурдона бил.*

Жаҳон уммонида ҳақиқий дурдона – бу, сўз. Дур ва унинг шодаси ҳақидаги гап-сўзлар унинг олдида бир афсона.

* * *

*Ёлғон демакда тажриба аввалги субҳ бас,
Ёлғон нафас чу урди, қороди ҳам ул нафас.*

Ёлғон сўзлаш зарарини билиш учун “ёлғон тонг” тажрибаси етарлидирки, у ёлғон нафас ургани учун дарров юзи қораяди.

* * *

Ёлғонни чиндек айтувчи суханвар – кумушни олтун рўкаш қилувчи заргар.

Ёлғонни ҳақиқатга ўхшатиб айтувчи сўз устаси кумушни олтин деб алдовчи заргарга ўхшайди.

* * *

Ёлғон айтувчи гафлатдадур.

* * *

Ёлғончи сўзин бир-икки қатла ўткаргай, ўзга нетгай? Ёлғони зоҳир бўлгондин сўнгра анга расволиғ етгай ва сўзи эътибори эл кўнглидин кетгай.

* * *

Ёлғончи ҳар неча сўзида фасихроқ, сўзи қабихроқ.

Ёлғончи ҳар қанча ёқимли сўзламасин, унинг сўзи хунукдир.

* * *

Ёлгон сўз жуз назмда нотисанд ва анинг қойили нохирадманд.

Ёлгон сўз фақат шеърдагина ўзини оқлайди ва нодонгина ёлгон сўзга қойил бўлади.

* * *

Ёлгон ўлса мулояматомиз,

Ваҳшатангиз чиндин англа азиз.

Кишини даҳшатга солувчи чин сўздан мулойимлик билан айтилган ёлгон афзал.

* * *

Ёлгончи киши эрмас,

Ёлгон айтмоқ мардлар иши эрмас.

* * *

Заррадин минг қатла камракким, қуёшлиқ урса лоф,

Кимки бўлса зарра ақли, билурким, дер газоф.

Заррадан минг марта камроқ бўлган киши қуёшман деб лоф урса, заррача ақли бор киши унинг ёлгон айтаётганини билади.

* * *

Инсон ани билки, ком эрур онга салоҳ,

Тил ҳифзида бил зумраи инсонга салоҳ.

Мақсади яхшилик бўлган кишини инсон деб бил, инсонларнинг яхшилиги тилни сақлашда.

* * *

Керак бўлса, сўз ўйлаким дурри пок,

Садафдек ҳақир ўлса қойил, не бок.

Сўз пок гавҳар каби қийматли бўлгач, сўзловчининг садаф каби хор бўлишидан нима зарар.

* * *

Кимки қилур чинлик алардин ҳавас,

Қошлари устида топар чину, бас.

Ёлғон сўзлашга ўрганганлардан чин истасанг, қошлари устидаги чин
(пешона тириши)нигина топасан, холос.

* * *

*Кимки чини эл аро ёлғондурур,
Ёлғони чинлиққа не имкондурур?*

Одамлар орасидаги рост сўзи ёлғон бўлиб танилган кишининг ёлғони
қачон чин бўла олади?

* * *

*Кимки ўзи айлади ёлғон сўзин,
Кизб дер эл, чин сўз деса, қолғон сўзин.*

Ҳар ким ўз сўзини ёлғон қилса, одамлар унинг қолган сўзини ҳам
ёлғон дейдилар.

* * *

*Киши айбинг деса, дам урмагилким, ул эрур кўзгу,
Чу кўзгу тийра бўлди, ўзга айбинг зоҳир айларму?*

Айбингни кўрсатувчи кишига дам урма (қаттиқ тегма), чунки ул
ойнадир. Ойна дам уриш билан хиралангач, бошқа айбингни
кўрсатолмайдиган бўлиб қолади.

* * *

*Кўрмак аввал демакда осонлиқ –
Ки эрур, сўнги бас пушаймонлиқ.*

Бошда яхши ўйламай сўзлаш кейинги пушаймонга сабаб бўлади.

* * *

*Кўнгулда тил синони жароҳати бутмас,
Анга ҳеч нима марҳам ерин тутмас.*

Тил найзасидан бўлган кўнгил яраси битмайди. Унга ҳеч нарса
марҳам бўлмайди.

* * *

*Ким хўйи ёмон бўлса, машаққатдур анга,
Ким хўйи яхши, ганиматдур анга.*

Ёмон қилиқли бўлган кишининг оғирлиғи ҳам ўзига бўлганидек,
хушфезлликнинг фойдаси ҳам кишининг ўзигадир.

* * *

Кимсага ёлғончи дебон қолса от,

Бу от ила гар десалар ўзу ёт.

Сидқ хитоби яна ёнмас анга,

Чин деса ҳам, халқ ишонмас анга.

Бировнинг ёлғончилиги машхур бўлиб қолгач, хар қанча чин гапирса
ҳам, унга кишилар ишонмайдиган бўлиб қоладилар.

* * *

Кулгуки, ўз ҳаддидин ўлди йироқ,

Йиғламоқ андин кўп эрур яхшироқ.

Ўз ҳаддидан ошган кулгидан йиғи яхши.

* * *

Ким чекса қадаҳ ниёз бирла,

Хушироқки, риё намоз бирла.

Риё билан намоз ўқигандан ихлос билан май ичган афзал.

* * *

Кўп деган кўп янгишур ва кўп еган кўп йиқилур.

Кўп гапирган кўп янгишади ва кўп еган кўп дардга чалинади.

* * *

Кўп демак сўзга мағрурлик ва кўп емак нафсга маъмурлуқ.

* * *

Кўнгул махзанининг қулфи тил ва ул махзаннинг калидин сўз бил.

Тил кўнгул хазинасининг қулфи, сўзни унинг калити деб бил.

* * *

Кўнгул ҳолати сўз дегач билгурур –

Ки, мазханда дур ё садафрезадур.

Сўзунгга қараб, кўнглингни билиш мумкин: бу хазинада дур борми
ёки садаф синиғи?

* * *

*Кимни тиласанг билай, мақолин англа,
Аслин, десанг, англайин, фиъолин англа.
Кирдорига боқиб, асл ҳолин англа,
Аслига далил анинг хисолин англа.*

Бировнинг кимлигини билай десанг, сўзига боқ, аслига қизиқсанг, юриш-туришини кузат. Хатти-ҳаракатини кўриб, унинг аслида кимлигини билиш мумкин, чунки кишининг феъл-атвори унинг қандай инсон эканлигига ёрқин далил.

* * *

*Ким қалби дақиқ эрур, анга муҳтож ўл,
Тўқлуқ чу кўнгулни қатиқ айлар, оч ўл.*

Қалби гўзал кишилар суҳбатини изла. Тўқлик кўнгилни ўлдиради, шунинг учун оч бўл.

* * *

*Ким мусулмонлиг айласа даъво,
Чин эмас гар фидо қилур жонлар.
Ул мусулмондирки, солимдур
Тилию илгидин мусулмонлар.*

Ким мусулмонлик даъво қилиб, бу йўлда жонини фидо қилса ҳам, у чин мусулмон эмас. Қўли ва тилидан мусулмонларга озор етмайдиган кишигина чин мусулмондир.

* * *

*Маъдани инсон гуҳари сўздурур,
Гулишани одам самари сўздурур.*

Инсоният конининг қимматбаҳо инжулари ҳам сўздир. Одамият чаманзорининг меваси ҳам сўздир.

* * *

Мулойим такаллум ваҳшииларни улфат сари бошқарур.

Мулойим муомала ваҳшийларни ҳам дўст қилади.

* * *

Мусҳик эрур маст чу айлар хуруш,

Сўзни такаллум била дер аҳли хуш.

Хушёр кишилар ўйлаб сўзласалар, маст тартибсизлик қилиб,
кишиларни ўзидан кулдиради.

* * *

Мени мен истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас,

Мени истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас.

Мен истаган кишилар мени ўз суҳбатларидан баҳраманд этмайдилар,
менинг суҳбатимни истаганларни эса мен хушламайман.

* * *

Маҳаллида айтур сўзни асрама, айтмас сўз теграсига йўлама.

* * *

*Мувашишаҳ хабарни чиндур деб дўстқа еткурма ва бировнинг айби
воқеъ бўлса, юзига урма.*

Пардоз берилган ҳар қандай сўзни ҳақиқат деб дўстга етказма ва
биронинг айби ошкор бўлса, юзига солма.

* * *

Не сирфа деган киши тили қотилидур,

Алқиссаки, кимсанинг балоси тилидур.

Бехуда сўзловчи кишининг тили ўзининг ўлдирувчисидир. Хулласи
калом, ҳар кимсанинг балоси ўз тилидир.

* * *

Нодонга сўз демак айгоғдур.

Нодонга гапириш сирингни овоза қилишдир.

* * *

Неча тажаввардур, кесарлар бошин,

Чу ҳангомсиз наъма тортар хурус.

Бошида тожи бўлса ҳам, бемаҳал қичқирган хўрознинг бошини кесадилар.

* * *

*Одамки, демак бирла киромидур бас,
Сўз дурри ишининг интизодмидур бас.*

Кишининг иззатли бўлиши сўз биландир, бас, ишининг тартибли бўлиши ҳам сўз натижасидир.

* * *

Оғзинга кирган такаллум риштасин чекма узун – ким, бу иштин сарнигунлуқ юзланиб, нуқсон келур.

*Кўрки, чун оғзига кирган риштасига берди тул,
Анкабут ул риштадин ҳар дам нигунсор осилур.*

Сўз ипини ҳадеб чўзавермаки, бу тафайли кўп хатога йўл қўйиб, эл олдида шарманда бўласан. Ўргимчакка қара: тўри узунлигидан ўзи ҳар лаҳза оёғи осмондан бўлиб осилиб туради.

* * *

*Паёнай чучук сўз чу пайғом ўлур,
Анингдек ҳашар жонвар ром ўлур.*

Илонга ўхшаган захарли жониворни ҳам чучук сўз билан ром қилиш мумкин.

* * *

Сўзи ҳисобсиз – ўзи ҳисобсиз.

* * *

*Сўздин ўлукнинг танида руҳи пок,
Рух доғи тан аро сўздин ҳалок.*

Инсоннинг жисмига жон сўз билан кирган, унинг жисмни тарк этишига ҳам сўз сабаб бўлади.

* * *

*Сўз қаттиғи эл кўнглини озор айлар,
Юмишгоги кўнгулларни гирифтор айлар.*

* * *

Тил илдамидин бўлур заромат ҳосил,

Юз навъ маломату надомат ҳосил

Тил тезлиги (югуриги)дан қийинчилик, турли маломат ва пушаймонликлар туғилади.

* * *

Фаҳм айла киши ҳолин сўз демагидин –

Ким, берди хабар ҳадиси кўнглидагидин.

Кишининг ҳолини сўздан билиш мумкин, чунки сўз кишининг кўнглидагидан хабар беради.

* * *

Хирадманд чин сўздин ўзга демас,

Вале, борча чин ҳам дегулик эмас.

Ақлли киши чин гапиреди, аммо барча чин сўзни ҳам айтавериш дуруст эмас.

* * *

Хўб эл била суҳбат тутубон хўб ўлгил,

Яхшини талаб қилгилу матлуб ўлгил.

Ширин сўз ила халққа марғуб ўлгил,

Юмшоқ де ҳадисингни-ю, маҳбуб ўлгил.

Яхши одамлар билан бирга бўлиб, ўзинг ҳам яхши бўл. Доим яхши одамларнинг суҳбатини изла-ю, ўзинг ҳам бошқаларга ёқимли бўл. Ширин сўзинг билан кишиларнинг кўнглини топ, мулойим гапир-у, севимли бўл.

* * *

Чин сўз – мўътабар, яхши сўз – мухтасар.

* * *

Эл айбини айтурға бировким узотур тил,

Ўз айбини фош айлагали тил узотур, бил.

Бошқаларнинг айбини айтишга тилини шайлаган киши аслида ўз айбини фош қилишга оғзини очган бўлади.

* * *

*Яхши сўз бирла ҳожат аҳлин сўр,
Бермасанг яхши тўъмадин нафақа.
Не учунким, Расул қавли билан:
Яхши сўз бордур, ўйлаким, садақа.*

Бечораларга яхши таом беролмасанг ҳам, яхши сўз билан аҳволини сўра, зеро, Пайғамбар таъбири билан айтганда, яхши сўз – садақа ҳукмида.

* * *

*Яхшиликдин топса нишон ҳамсуҳбат,
Берур санга осойиши жон ҳамсуҳбат.
Чун бўлди малак нафърасон ҳамсуҳбат,
Шайтон сангакимдур ёмон ҳамсуҳбат.*

Яхши ҳамсуҳбатдан жонингга роҳат етади. Фойдали ҳамсуҳбат мисоли фаришта бўлса, ёмон ҳамсуҳбат шайтонга ўхшайди.

* * *

*Ҳар кимки, чучук сўз элга изҳор айлар,
Ҳар нечаки агёрдурур, ёр айлар.*

Ширин сўз бўлган киши душманни ҳам дўст қила олади.

* * *

*Ҳусну жамолсиз киши, ширинкалом эса,
Сайд айлар элни нукта фасоҳат била деса.*

Кишининг ҳусну жамоли бўлмаса ҳам, сўзлари ширин бўлса, ундай одам элни ўз томонига торта олади.

Боб бўйича қисқа хулоса

1. Алишер Навоий ижодий фаолиятининг асосий қисми, айниқса, машҳур “Хамса” асари дostonларининг бир неча боблари Аллоҳ ҳамди, пайғамбарлар наътидан сўнг сўз таърифига бағишланган. Бу ҳақда Навоийшунос олимлар томонидан қатор тадқиқотлар ўтказилган бўлса-да, бу улкан мавзу хусусида яна кўп фикрлар билдириш мумкин. Ҳазрат Алишер Навоий асарларини синчиклаб ўрганадиган бўлсак, уларда сўзнинг ўндан ортиқ энг муҳим хусусиятлари алоҳида таъкидлаганлигининг гувоҳи бўламиз.

2. Эзгулик ва ёвузлик, тўғрилиқ ва эгрилик, ростгўйлик ва ёлғончилик олам яралгандан буён курашиб келади. Агар эзгулик ҳамиша ва осонликча ёлиб бўлаверганида уларнинг кураши кураш бўлмас, алломалар бу тушунчалар ҳақида бош қотириб, фикр билдириб ўтирмас эдилар. Табиат ва жамиятнинг азалий муаммоси бўлмиш бундай оқ ва қора ранглар улуг бобокалонимиз Алишер Навоий ҳазратларини ҳам бефарқ қолдирмаган ва ўзининг “Ҳайратул-аброр” дostonида шу мавзуга доир “Ростлик таърифида” деган махсус боб ҳам ажратган.

3. Алишер Навоий уммони шу қадар кенг, чуқур ва беқиёски, унга истаган мавзуда мурожаат этиш ва батафсил жавоб олиш мумкин. Зеро, Алишер Навоий асарлари, яхлит олганда, ҳаёт қомусига ўхшайди. Чунки бирор-бир ҳаётий масала, инсонга хос қадрият ва туйғулар, фазилат ва иллатлар йўқки, у қаламга олмаган бўлса! Шунинг учун Алишер Навоий ҳикматларига қизиқиш ҳамма замонларда ҳам юқори бўлган.

4. Улуғ мутафаккир асарларини бу тарзда таҳлил ва тадқиқ этиш унинг қадимий нутқ маданиятимизга аллома шоиримиз қўшган ҳиссанинг беқиёс эканлигини англашда катта ёрдам беради.

УМУМИЙ ХУЛОСА

Бугунги мураккаб глобаллашув даврида маънавият соҳасида вужудга келаётган долзарб муаммолар, халқимиз маънавиятини асраш ва юксалтириш, айниқса, ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан сақлаш ва ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор талаб қилинмоқда. Чунки бугунги кунда дунёнинг айрим ҳудудларида мафкуравий ҳуружлар натижасида катта маънавий йўқотишлар юз бераётгани, миллатнинг асрий қадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқаётгани, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзи жиддий хавф остида қолаётганини кузатиш мумкин.

Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон азалдан таълим ва тарбия марказларидан бири бўлганлиги учун ҳам бу заминдан дунёга машҳур алломалар: илм-фан соҳасида бўладими, адабиёт, маданият ва санъат соҳасида бўладими, ҳар соҳада мукамал шахслар етишиб чиққан. Мана шундай буюк аждодларимиздан бири, шубҳасиз, Низомиддин Мир Алишер Навоийдир. Шунинг учун ҳам бу буюк бобокалонимиз ҳақида сўз юритар экан, мухтарам юртбошимиз И. Каримов қуйидаги фикрларни баён этган эдилар: “Ўзбек халқи маънавий дунёсининг шаклланишига ғоят кучли ва самарали таъсир кўрсатган улуғ зотлардан яна бири – бу Алишер Навоий бобомиздир. Биз унинг мўътабар номи, ижодий меросининг боқийлиги, бадий даҳоси замон ва макон чегараларини билмаслиги ҳақида доимо фахрланиб сўз юритамиз.

Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир...”

Кишилиқ жамиятининг бирон бир жабҳаси йўқки, унда нотиклик санъати ёки унинг элементлари қатнашмаган бўлсин. Бошқача қилиб

айтадиган бўлсак, оддий хонадон бекасида тортиб, қишлоқ фуқаролар йиғини раисининг ўз фуқроларига қарата сўзлаган нутқида ҳам, ўқитувчиларнинг ўқувчиларига берадиган сабоғида ҳам, ҳарбий командирнинг ўз аскарларига қарата берган буйруғида ҳам, хуллас, ҳамма-ҳамма ерда нутқ, нутқ маданияти, нотиқлик ўз мавқеига эга.

Шарқ, Ўрта Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқи ҳам қадимдан сўзга чечан, бадиий дидли кишиларни қадрлаб келганлар. Ўрта асрларда нотиқлик санъати воизлик, нотиқ – воиз, нутқ эса ваъз деб аталган. Шу боисдан ҳам бўлса керак, Ўрта Осиё халқлари IX-XV асрда дунё маданияти тараққиётининг энг олдинги, етакчи сафларида туриш даражасига кўтарила олди.

Шарқ нотиқлиги катта меросга эга бўлса-да, улардан ҳеч бири Алишер Навоий қолдирган мерос каби қимматли ва бой эмас. Алишер Навоий ўша вақтда воизлик санъатида ном қозонган Хожа Муайяд Меҳнагий, Мавлоно Риёзий, Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифий, Мавлоно Муин Воизлар ҳақида ўзининг “Мажолисун нафоис” номли тазкирасида қимматли фикрларни билдирган.

Жаҳон шеърятининг султони Мир Алишер Навоий ҳақида халқ оғзаки ижодида жуда кўплаб ривоятлар мавжуд. Уларда Алишер Навоийни болалик пайтларида эркалатиб Мирали, Мир Алишер деб атаганликлари, болалик ва ўсмирлик пайтларидаёқ доно, ҳозиржавоб ва зукко бўлганлиги айтилади.

Алишер Навоий ижодий фаолиятининг асосий қисми, айниқса, машҳур “Ҳамса” асари дostonларининг бир неча боблари Аллоҳ ҳамди, пайғамбарлар наътидан сўнг сўз таърифига бағишланган. Бу ҳақда Навоийшунос олимлар томонидан қатор тадқиқотлар ўтказилган бўлса-да, бу улкан мавзу хусусида яна кўп фикрлар билдириш мумкин. Ҳазрат Алишер Навоий асарларини синчиклаб ўрганадиган бўлсак, уларда сўзнинг ўндан ортиқ энг муҳим хусусиятлари алоҳида таъкидлаганлигининг гувоҳи бўламиз.

Эзгулик ва ёвузлик, тўғрилиқ ва эгрилик, ростгўйлик ва ёлғончилик олам яралгандан буён курашиб келади. Агар эзгулик ҳамиша ва осонликча ёлиб бўлаверганида уларнинг кураши кураш бўлмас, алломалар бу тушунчалар ҳақида бош қотириб, фикр билдириб ўтирмас эдилар. Табиат ва жамиятнинг азалий муаммоси бўлмиш бундай оқ ва қора ранглар улуг бобокалонимиз Алишер Навоий ҳазратларини ҳам бефарқ қолдирмаган ва ўзининг “Ҳайратул-аброр” достонида шу мавзуга доир “Ростлик таърифида” деган махсус боб ҳам ажратган.

Алишер Навоий уммони шу қадар кенг, чуқур ва беқиёски, унга истаган мавзуда мурожаат этиш ва батафсил жавоб олиш мумкин. Зеро, Алишер Навоий асарлари, яхлит олганда, ҳаёт қомусига ўхшайди. Чунки бирор-бир ҳаётий масала, инсонга хос қадрият ва туйғулар, фазилат ва иллатлар йўқки, у қаламга олмаган бўлса. Шунинг учун Алишер Навоий ҳикматларига қизиқиш ҳамма замонларда ҳам юқори бўлган.

Улуг мутафаккир асарларини бу тарзда таҳлил ва тадқиқ этиш унинг қадимий нутқ маданиятимизга аллома шоиримиз қўшган ҳиссанинг беқиёс эканлигини англашда катта ёрдам беради.

Буларнинг ҳаммаси биз билган ва билмаган буюк Навоий ҳақидаги билимларимизни бойитишда, тасаввурларимизни кенгайтиришда катта ёрдам беради.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
2. Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида . – Т.: Ўзбекистон, 2011.
3. Алибек Рустамий. Адиблар одобидан адаблар. – Т. : Маънавият, 2001.
4. Алибек Рустамий. Навоий ва она тилимиз // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1991, 8 февраль.
5. Алишер Навоий ижодий меросини ўрганиш проблемалари (Илмий мақолалар тўплами). – Самарқанд, 1990.
6. Алишер Навоий. Хамса. Т., 1960.
7. Алишер Навоий. Ҳикматлар. – Т.: Шарқ, 2006.
8. Алишер Навоий. Ҳаратул-аброр. – Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.
9. Алишер Навоий. Лисонут-тайр. – Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984.
10. Алишер Навоий. Маҳбубул-кулуб. – Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.
11. Бадиият уммонлари (Илмий мақолалар тўплами). – Фарғона, 2000, 2006.
12. Бадиият уммони. Фарғона, 2011.
13. Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. – Т.: Фан, 1983.
14. Бафоев Б. Навоий “камсухан элни суханвар қил”а олганми? // “Коммуна”, 1991, 28 август.
15. Бегматов Э., Жиянова Н. Нутқ маданияти асослари. – Т., 2006.

16. Дониёров Х. Алишер Навоий ва ҳозирги ўзбек адабий тили муаммолари // Алишер Навоий ижодий меросини ўрганиш проблемалари (илмий мақолалар тўплами). – Самарқанд, 1990.
17. Иброҳим Ҳаққул. Камол эт касбким... – Т.: Чўлпон, 1991.
18. Иззат Султон. Навоийнинг қалб дафтари. – Т., 1969.
19. Иномхўжаев С. Нотиклик санъати асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1982.
20. Кайкавус. Қобуснома. – Т.: Ўқитувчи, 1986.
21. Каримов А. Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони тилининг лексик-семантик ва стилистик хусусиятлари. – Т., 1973.
22. Матғозиев А. Она тилининг баҳодир жангчиси // “Коммуна”, 1990, 28 февраль.
23. Мўминов С. Юмшоқ де ҳадисингни... // Бадиият уммонлари. – Фарғона, 2000.
24. Навоий замондошлари хотирасида. – Т.: Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.
25. Нурмонов А. Алишер Навоийнинг лингвистик қарашлари // Танланган асарлар, 3 жилдлик, 2- жилд. – Т.: Akademnashr, 2012.
26. Раҳимов А. Инсоннинг кашф этилиши // Ўзбек нутқи маданиятининг долзарб муаммолари. – Тошкент, 1990.
27. Солижонов Й. , Ўтанова Н. Навоий ижодида инсон мадҳи // Ўзбек нутқи маданиятининг долзарб муаммолари. – Тошкент, 1990.
28. Султонмурод Олим. Навоий – ёшларга. – Т., 2008.
29. Умарова Н. Алишер Навоий – бадиий сўз устаси. – Фарғона, 2010.
30. Umarova N. Alisher Navoly – badiiy so’z ustasi. – Farg’ona, 2010.
31. Назарова Х. Бобир ва ўзбек адабий тили. – Т.: Фан, 1983.
32. Ўзбек нутқи маданиятининг долзарб муаммолари. – Тошкент, 1990.
33. Ўринбоев Б., Солиев А. Нотиклик маҳорати. – Т.: Ўқитувчи, 1984.

34. Қаюмов А. “Ҳаратул-аброр” талқини. – Т., 1977.
35. Қодиров П. Тил ва эл. – Т.: Маънавият, 2010.
36. Қудратуллаев Ҳ. Навоийнинг адабий-эстетик олами. – Т., 1991.
37. Қурамбоев К. Кўнгул бермиш сўзимга...– Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1992.
38. Қурбонов Т. Алишер Навоий ва нутқ маданияти // Алишер Навоий ижодий меросини ўрганиш проблемалари (илмий мақолалар тўплами). – Самарқанд, 1990.
39. Қўнғуров Р. Алишер Навоий – услубшунос // Алишер Навоий ижодий меросини ўрганиш проблемалари (илмий мақолалар тўплами). – Самарқанд, 1990.
40. Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1992.
41. Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. – Т., 1993.
42. Ҳасанова А., Зуннунов А. Мактабда Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш. – Т.: Ўқитувчи, 1983.
43. Ҳасанов С. Навоийнинг етти тухфаси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.
44. Ҳаққулов И. Занжирибанд шер қошида. – Т.: Юлдузча, 1989.

